

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 156 (156), 2020 йил 19 август, чоршанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz\_official yuz.uz\_news



## СЕН – ҚУДРАТ МАНБАИ, САОДАТ МАСКАНИ, ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ!


Мустақиллигимизнинг 29 йиллигига

Бугуннинг гапи

### ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИЛҒОР ВА ТАШАББУСКОР ЁШЛАРИ



Мамлакат келажagini тезкор фикрлайдиган, замонавий билим ва тафаккурга эга, илғор ғояларни ҳаётга татбиқ эта оладиган, ҳар томонлама етук ёшлар яратди. Бугун янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислохотларда фаоллик кўрсатётган ташаббускор ёшлар, турли соҳаларда фаолият юритиб, замонавий лойиҳалари билан юзлаб тенгдошларини эзгу мақсади ортдан эргаштираётган йигит-қизлар замонамизнинг чинакам қахрамонларидир.



### “ҲАЗОРАСП” ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАСИ беқиёс имкониятлар ҳудудига айланыпти

Кўни кеча Президентимизнинг “Хоразм вилоятда тадбиркорликни ривожлантириш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори эълон қилинди.

Воҳада тадбиркорликни янада ривожлантириш, бунинг учун инвесторларни кенг жалб қилиш, шу орқали янги иш ўринлари яратиш ва, энг асосийси, саноат салоҳиятини оширишни назарда тутган бу тарихий ҳужжатда “Ҳазорасп” эркин иқтисодий зонаси имкониятларини янада кенгайтиришга ҳам алоҳида аҳамият берилган. Тупроққалъа тумани ҳоқими Алишер САЛОЕВ муҳбиримиз билан бўйича ишлар давом этяпти. Жалб этилган маблағларнинг 266,4 миллион доллари тўғридан-тўғри инвестициялардир. Улар орасида воҳа учун таъминла янгилик бўлгани — қурилиш материаллари ишлаб чиқарилаётганидир. Бу эса маҳсулотни маҳаллий қурилиш ташкилотларига етказиб беришда қўлайлик яратиб, таннархни арзонлаштиришда. Мисол учун, гулқоғоз, декоратив плитус ва сандвич панеллар ишлаб чиқариш лойиҳалари

### Юрт иқтисодиётига муносиб ҳисса қўшмоқда

Давлатимиз раҳбари 30 июнь — Ёшлар кўни муносабати билан йўлаган табриғида барча соҳалардаги ислохотларда йигит-қизларнинг ўрни ва таъсири тобора ортиб бораётганини таъкидлади. Жумладан, республикамизда самарали ишлаётган

227 мингга яқин ёш тадбиркор ва фермер, моҳир хунармандлар иқтисодиётимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётганини билдирди. Чиндан ҳам кўплаб йирик лойиҳалар, дастурлар доирасида истиқболли бизнес режага эга

йигит-қизларга ҳар томонлама кўмак берилиб, ишини бошлаб олиши учун зарур маслаҳатлар, моддий ёрдам кўрсатиляпти. Бу ҳақда гапирганда, айниқса, “Ёшлар — келажакимиз” давлат дастурига алоҳида тўхталишимиз жоиз.

2018 йилда Президентимиз фармони билан амалга оширила бошлаган мазкур давлат дастури ўтган қисқа вақт ичида кўплаб ёшларнинг тадбиркорлик ғояларига кўмак берди.

Давоми 3-бетда

Фуқаролик жамияти

### ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

ҳаётимизнинг барча жабҳаларига татбиқ этилмоғи зарур



Умид РАЖАБОВ, “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати бош координатори

Ҳар бир жамият ва давлатнинг ўз қонун-қоидалари мавжуд бўлиб, уларга қанчалик амал қилиниши мамлакатнинг тараққиёт даражасини белгилайди. Юртининг ривожини ва халқ фаровонлигини инсон, жамият ва давлат манфаатларининг муштарақлигидир.

Инсон эҳтиёжларининг ўсиб бориши ва, албатта, аҳоли сони мунтазам ошиб бораётгани дунёда бўлгани каби мамлакатимизда ҳам мавжуд ресурсларнинг адолатли тақсимотини таъминлаш, бу борада инсон манфаатларини олдинги ўринга қўйиш каби вазифаларни ҳал

қилишни тақозо этади. Айтиш жоизки, ушбу вазифалар ечими йўлида гилдираки янгидан кашф этиш шарт эмас, албатта. Бунда дунёда синалган ва самарали ҳисобланган жамоатчилик назорати механизмларини жорий этиш мўҳим саналади.

Ўзбекистонда жамоатчилик назоратининг ҳуқуқий асослари мавжуд. Масалан, 2018 йил 13 апрелда қўлга кирган “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонун бор. Қонун билан жамоатчилик назоратининг асосий принциплари, уни амалга ошириш шакллари ва бошқа бир қатор жиҳатлар белгиланган. Бу борадаги муносабатлар ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинган.

Давоми 2-бетда



суҳбатда мазкур қарорнинг айнан шу жиҳатларига эътибор қаратди: — Уч йил муқаддам ташкил этилган мазкур эркин иқтисодий зонада ўтган даврда кенг қўламли ишлар йўлга қўйилди.

“Ҳазорасп” эркин иқтисодий зонасида қиймати 305,8 миллион АҚШ долларига тенг 18 та лойиҳадан 14 таси амалга оширилди. 4 та лойиҳа

амалиётга айланиши билан ҳудудда бу маҳсулотларга бўлган талаб тўла қондирилди. Айни пайтда улар хорижга ҳам экспорт қилиняпти.

Ушбу ҳудудда фаолият бошлаган янги корхона “Дамас” ва “Лабо” энгил автомашиналари учун вентиляция ва иситиш тизимларини ишлаб чиқаряпти.

Давоми 2-бетда

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 17 август кўни хорижда меҳнат қилаётган фуқароларга муносиб шарт-шароитлар яратиш ва улар билан тизимли ишлаш юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда ҳокимликларга чет элдан қайтган фуқароларга касби, малакаси ва режасидан келиб чиқиб, иш топишига кўмаклашиш бўйича топшириқлар берилди.



Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги филиалларининг ваколатлари кенгайтирилиб, уларга хорижий иш бевузчилар билан бевосита шартнома тузиш, миграция хизматлари билан музокаралар ўтказиш ҳуқуқи берилди.



Ишчи ва мутахассислар юборишни кўпайтириш, меҳнат мигрантларига йўл ҳақи, патент ва сугурта харажатлари учун 10 миллион сўмгача паст ставкада кредитлар ажратиш бўйича кўрсатмалар берилди.



Меҳнат мигрантлари ҳаёти ва соғлигини сугурталаш учун Хориждаги фуқароларни ҳимоя қилиш жамғармасидан маблағ ажратиш бўйича кўрсатма берилди.



Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг ваколатхоналарини очиш бўйича топшириқлар берилди. Хориждаги фуқароларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш, бу бўйича онлайн платформа ва “кол-марказ” ташкил этиб, малакали адвокатларни жалб қилиш вазифалари қўйилди.



Рўйхатдан ўтишга кўмаклашиб, 3 ойгача ижара тўловлари бўйича субсидия берилди. Шунингдек, тадбиркорликни бошлаш учун кредит ресурслари ажратилади ҳамда банк кредитлари таъминоти бўйича сугурта полиси харажатларининг бир қисми қўллаб-қувватланади. Бу мақсадларга Бандликка кўмаклашиш жамғармасидан йил якунига қадар 25 миллиард сўм, кредитлар учун 100 миллиард сўм ажратилади.



Яна бир масала — хорижда ишлаётган фуқароларнинг меҳнат стажини ҳисобга олиш тизимида атиги 4,5 минг нафар киши рўйхатга олинган. Шу бос, мутасаддиларга ўзини ўзи банд қилган шахсларни рўйхатга олиш ва меҳнат стажини ҳисоблаш тизимини мигрантлар учун ҳам татбиқ этиш бўйича кўрсатма берилди.

Мамлакатимизда ҳар йили 600-700 минг аҳоли меҳнат бозорига кириб келади. Иқтисодий тармоқларини ва ҳудудларни ривожлантириш бўйича кўрилатган чоралар натижасида йилига 500 минггача иш ўрни яратилмоқда. Шунинг учун қарийб 200 минг кишининг бандлигини ташқи меҳнат миграцияси орқали таъминлашга тўғри келмоқда. Чет элларда ишлаётган фуқароларни қўллаб-қувватлаш учун алоҳида жамғарма ташкил этилиб, 100 миллиард сўмдан орტიқ маблағ ажратилди. Шу билан бирга, ташқи меҳнат миграция масалалари бўйича Бош вазир маслаҳатчиси лавозими жорий этилди. Шунга қарамай, ечимини кутаётган муаммолар ҳали кўп.

Фуқаролик жамияти

# ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ ҳаётимизнинг барча жабҳаларига татбиқ этилмоғи зарур

Бошланғич 1-бетда

Сўнги йилларда давлат идоралари ва мансабдор шахслар фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини амалга ошириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. Ўз навбатида, юритилаётган ушбу сиёсатнинг натижаси ўлароқ, халқимизнинг сиёсий онги юксалган ҳолда давлатимиз ва жамиятимиз ривожига дахлдорлик ҳисси охири бормоқда.

Масалан, давлат идоралари фаолиятини танқид қилиш нафақат мансабдорлар, балки халқ орасида ҳам салбий муносабатларга сабаб бўлган бўлса, бугунги кунга келиб, мавжуд муаммоларга объектив ёндашиш, энг муҳими, улар ечимини бўйича давлат ва жамият ўртасидаги самарали ҳамкорлик нормал ҳолатга айланди. Эндилкида бу ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш, давлат бошқарувида фуқаролик жамияти иштирокини кучайтириш муҳимлигини инобатга олган ҳолда янги механизмларни жорий қилиш саъй-ҳаракатлари бошланди. Бунга "Юксалиш" умумийлик ҳаракати ташкил этилгани ҳамда давлат дастурлари ижроси устидан жамоатчилик назоратини самарали йўлга қўйиш ҳаракатининг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланганини мисол сифатида келтириш мумкин.

Жамоатчилик назоратини ташкил этиш, фуқаролик жамияти томонидан билдирилган ташаббусларни илгари суриш доирасида "Юксалиш" умумийлик ҳаракати кўплаб ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, давлат дастурларини шакллантириш, уларнинг ижроси юзасидан мониторинг ўтказиш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш каби йўналишларда қатор вазифалар бажарилимоқда.



"Юксалиш" умумийлик ҳаракати ҳам фаол қатнашди. Ҳаракатнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан жамоатчилик фикр ва мулоҳазалари ўрганилиб, 200 дан ортиқ таклиф ва тавсия ишлаб чиқилди.

2020 йилнинг Илм, маърифат ва рақамли иқтисодий ривожлантириш йили деб эълон қилиниши муносабати билан қабул қилинган давлат дастури лойиҳаси муҳокамаларида "Юксалиш" умумийлик ҳаракати ҳам фаол қатнашди. Ҳаракатнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан жамоатчилик фикр ва мулоҳазалари ўрганилиб, 200 дан ортиқ таклиф ва тавсия ишлаб чиқилди. Аҳолидан жами 3162 та таклиф қабул қилинди. Уларнинг 765 таси давлат бошқаруви, 586 таси суд-ҳуқуқ, 542 таси иқтисодиёт, 815 таси иқтисодий соҳалар, 91 таси ташқи сиёсат ва хавфсизлик бўйича ҳамда 363 таси фармон лойиҳасига оид таклифлардир.

Натижада давлат дастурига жами 62 та концептуал, 30 дан ортиқ таҳририй ўзгариш ва қўшимча киритилди ҳамда жорий йилнинг 2 март санасида Ўзбекистон Президентининг фармони билан Ҳаракатлар стратегиясини "Илм,

маърифат ва рақамли иқтисодий ривожлантириш йили" да амалга оширишга оид давлат дастури тасдиқланди.

Давлат дастури ижроси бўйича бевосита жойларга чиққан ҳолда жамоатчилик назорати тадбирлари амалга оширилмоқда. "Юксалиш" умумийлик ҳаракати, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ҳамда Германиянинг Конрад Аденауэр жамғармаси вакиллари иштирокида жорий йилнинг 25-26 июнь кунлари Фарғона вилоятида жамоатчилик мониторинг тадбирлари ўтказилди. Мониторинг домида 2020 йил учун тасдиқланган инвестиция дастури ва иқтисодий инфратузилма объектларини барпо этиш бўйича амалга оширилган ишлар ўрганилди. Хусусан, таълим объектларини барпо этиш ва капитал таъмирлаш ишлари, йўл ва

аҳолига хизмат кўрсатиш инфратузилмалари қурилиши жараёнида бир қатор камчиликлар аниқланди. Уларни бартараф этиш юзасидан мутасадди идораларга муурожаатлар киритилиб, назоратга олинди.

Мисол учун, инвестиция дастури доирасида Ёзёвон туманида давлат-хусусий шериклик асосида автошоҳбөкәт қуриб битказилиши белгиланган бўлиб, жамоатчилик назорати домида тадбиркор томонидан автошоҳбөкәт қурилгани, аммо ундан фойдаланиш учун зарур йўл инфратузилмаси мавжуд эмаслиги аниқланди. Жамоатчилик назорати натижасида ушбу камчилик бартараф этилиб, автошоҳбөкәт фойдаланишга тайёр ҳолатга келтирилди. Бу каби яна унлаб мисолларни айтиш мумкин. Энг муҳими, ўтказилаётган жамоатчилик назорати тадбирлари бутун республикани қамраб олган ва таъсир чоралари қурилган ҳолда мавжуд муаммоларни босқичма-босқич ўз ечимини топмоқда.

Шу билан бирга, давлат дастури ижроси юзасидан ўтказилаётган мониторинг натижалари бўйича тахлийий маълумотлар хар ойда Олий Мажлис, Президент Администрацияси ҳамда ҳукуматга киритиб борилмоқда. Шунингдек, давлат дастури ижроси юзасидан парламент эшитувлари ўтказилмоқда. Ўз навбатида, мониторинг натижалари бўйича аниқланган камчиликлар ва ноаниқликларга юқори идоралар томонидан ўз вақтида тузатишлар киритилишига эришилмоқда.

Яна бир муҳим жиҳат, жамоатчилик назорати тадбирлари аҳоли муурожаатлари, иқтисодий тармоқларда муурожама қилинаётган долзарб мавзуларни инобатга олган ҳолда мавзули ўрганиш асосида ҳам ўтказилиши белгиланган. Бу борада фуқароларимиз фаоллигини ҳам алоҳида таъкидлаш зарур.

Умуман олганда, ҳозирги кунга келиб давлат идоралари ва мансабдорлар фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини ташкил қилиш бўйича сезиларли ўзгаришлар эришилди. Аммо бу етарли эмаслигини англаган ҳолда жамоатчилик назорати механизмларини ҳаётимизнинг барча жабҳаларига татбиқ этиш ҳамда давлат идораларининг аҳоли олдида очикилиги ва фаолияти шаффоғилигини таъминлаш сиёсати давом эттирилиши йўлида бор кучимизни сарфарбар этишимиз лозим.

## АКАДЕМИК МУҲАББАТ АБИДОВА



Ўзбекистон илм-фани оғир жудолука учради.

Кимё-технология соҳасидаги табиқли олим, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги Муҳаббат Абидова 2020 йил 17 август куни 89 ёшида вафот этди.

М.Абидова 1931 йил 10 октябрда Тошкент шаҳрида туғилди. 1954 йили Ўрта Осий политехника институти (ҳозирги Ислам Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетини) тугатиб, Ўзбекистон Фанлар академияси Кимё институти (ҳозирги Умумий ва ноорганик кимё институти) аспирантурасида таҳсил олди. 1958 йили номзодлик, 1975 йили докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Илм-фан соҳасида кўп йиллик хизматлари учун 2000 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сайланди.

Истеъодли олим 60 йилдан зиёд илмий-педагогик фаолияти давомида Ўзбекистон Фанлар академияси Кимё институти кичик илмий ходими, катта илмий ходими, Полимерлар кимёси ва физикаси институти катта илмий ходими, Ўрта Осий ёқилгидан фойдаланиш институти катта илмий ходими, Ўрта Осий нефтни қайта ишлаш саноати илмий-тадқиқот институти сектор раҳбари, лаборатория мудири, Ўзбекистон кимё-фармацевтика илмий-тадқиқот институти лаборатория мудири каби лавозимларда самарали меҳнат қилиб, мамлакатимизда илм-фан соҳаларини ривожлантириш, юқори малакали илмий-педагог кадрлар тайёрлашга муносиб ҳисса қўшди.

Заҳматкаш олимнинг кимёвий жараёнлар соҳасининг назарий ва амалий масалаларига бағишланган илмий мақолалари, патент ва муаллифлик гувоҳномалари юртимиз ва хорижий мамлакатлар олимлари ва мутахассисларига яхши маълум. Унинг катализаторлар тизими ва кимёвий жараёнларга оид бир қатор илмий ишланмалари саноат тармоқларида самарали қўлланиб келинмоқда.

Жонқуяр устоз сифатида кўплаб ёшларга сабоқ берган илм-фан фидойисининг бевосита раҳбарлигида ўнлаб фан номзодлари ва фан докторлари тайёрланган.

Академик М.Абидованинг мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У "Меҳнат шухрати" ордени билан мукофотланган эди.

Таникли олим, меҳрибон устоз, камтарин инсон Муҳаббат Абидованинг хотираси қалбларимизда ҳамisha сақланиб қолади.

Ш. МИРЗИЁЕВ, Т. НОРБОЕВА, Н. ИСМОИЛОВ, А. АРИПОВ, Б. ЙЎЛДОШЕВ

Янги қонун кучга кирди



## ПАРЛАМЕНТ ТЕКШИРУВИ ИНСТИТУТИ

### фаолияти янада такомиллаштирилади

Баҳор ХИДИРОВА, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

Ўзбекистон Республикасининг "Қонун ижодкорлиги ҳамда парламент назорати жараёнлари янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонуни қабул қилинди.

Ушбу қонун парламент фаолиятини такомиллаштиришда яна бир муҳим ҳуқуқий асос бўлди. Унга мувофиқ, парламент фаолиятига оид бир қатор қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, амалдаги қонунчиликка мувофиқ, Олий Мажлис палаталари фақат ҳуқуқат аъзоларининг ахборотини эшитишга ҳақли эди. Эндилкида Қонунчилик палатаси ва Сенат ҳуқуқат аъзолари ҳамда давлат бошқаруви органлари раҳбарларидан ташқари ҳужжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ҳам ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ахборотини эшитиши мумкин.

Шунингдек, парламент назоратининг муҳим тури ҳисобланган парламент текшируви институти фаолияти янада такомиллаштирилади ва уни янада кенроқ қўллаш амалиёти жорий этилади.

— Тахлиллар кўрсатдики, аҳоли кийнаб келаётган муаммолар юзасидан парламент, депутат ва сенатор сўровларига улар юборилган мансабдор шахслар ўрнига бошқалар жавоб бериши ҳолатлари кўп учрамоқда, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Адхам Шодмонов. — Мисол учун, 2018 йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан тасдиқланган 207 та сўровнинг 120 таси, 2019 йилда 242 та сўровнинг

175 тасига бошқа шахслар жавоб берган. Янги қонунда парламент, депутат ва сенатор сўровларининг таъсирчанлигини ошириш мақсадида сўровга мансабдор шахс ёки унинг вазифасини вақтинча бажараётган шахс жавоб бериши мустаҳкамланди. Бундан ташқари, депутатлик сўровлари га ўн кунда жавоб бермаганлик учун қонунчиликда жавобгарлик белгиланди.

2020 йил январь ойида Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари лавозими жорий этилганди. Бироқ унинг вазифаси ва вазифалари қонунчиликда белгиланмаган эди. Қонунчиликка киритилган ўзгаришга кўра, Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари ўз вазифаларини бажариш даврида сиёсий партияга аъзоликни тўхтатиб туради ҳамда фракция таркибига кириши мумкин эмас. Шунингдек, Қонунчилик палатаси қўмиталарининг таркибига сайланиши ҳам мумкин эмас. Қонунда Спикерининг биринчи ўринбосарининг вазифалари ҳам аниқ белгиланган бўлди. Бу чора-тадбирлар парламентлараро муносабатларни, парламент дипломатиясини янада ривожлантириш, қонун ижодкорлиги билан боғлиқ илгор тажрибаларни миллий

қонунчилигимизга имплементация қилишда муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

АҚШ, Буюк Британия, Германия, Греция, Дания, Руминия, Корея Республикаси, Малайзия, Сингапур, Япония каби давлатлар қонунчилигида ижро ҳоқимияти органлари фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш қонуний ҳуқуққа эгалиги мустаҳкамлаб қўйилган. Францияда эса парламент нафақат ижро ҳоқимияти, шу билан бирга, миллий корхоналар ва давлат капитали эллик фоиздан ортиқ корхоналар фаолиятини ҳам назорат қилиш ҳуқуқига эга.

Эндилкида мамлакатимиз парламентини ҳам ҳуқуқат аъзолари ҳамда давлат ҳоқимияти бошқаруви органлари раҳбарларидан ташқари ҳужжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ахборотини эшитиши қонунчиликда белгиланди.

Таъкидлаш лозимки, парламент текширувини ўтказиш бўйича амалдаги тартибда бир қатор камчиликлар мавжуд эди. Хусусан, Олий Мажлис палаталарида парламент текширувини ўтказиш борасида алоҳида қатор қабул қилиш имконияти йўқ эди. Парламент текширувини ўтказиш зарурати юзага келганда уни ўтказиш ташаббусини келишиш жараёни, яъни қарор қабул қилиш заруратини муҳокама қилиш ва уни маълумлаш ишлари парламентнинг ҳар икки палатасида босқичма-босқич амалга оширилиши ортиқ вақт талаб қиларди. Янги қонунга кўра, парламент текшируви Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ёки Сенатнинг алоҳида қарори билан ёхуд Олий Мажлис палаталарининг қўшма қарори билан ўтказилиши мумкинлиги белгиланди.

Бугуннинг гапи

Бошланғич 1-бетда

Йилига 45 миллиард сўмлик шу турдаги маҳсулотлар "Ўзавтомоторс" корхонасининг Хоразм филиалида тайёрланаётгани шу русумдаги энгил машиналар учун бутловчи ва бошқа қисмларни четдан олиб келишга чек қўйди. "Музаффар Кўпол" МЧЖ томонидан йилига 3500 тонна сим қайта ишланиб, қурилиш учун зарур бўлган бир қатор материаллар ишлаб чиқарилмоқда.

"Ҳазорасп" эркин иқтисодий зонасида фаолият юритаётган корхоналар ҳақида яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Қувонарлиси, уларнинг аксари маҳаллий тадбиркорлар ташаббуси билан амалга ошган. Бугунги кунда чекка бир ҳудудда тадбиркорларнинг жаҳон бозорига чиқаётгани, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқараётгани, албатта, яратилаётган кенг имкониятлар самарасидир.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан янгида ташкил қилинган туманимиз қисқа фурсатда ўзининг салоҳиятини намойён қилди. Бу ҳам кўп жиҳатдан эркин иқтисодий зона фаолияти билан боғлиқ. Утган қисқа даврда қиймати икки триллион сўмликдан ортиқ саноат ва 2 триллион сўмга яқин истеъмол моллари ишлаб чиқарилди. 55 минг киши яшаётган туман учун бу жуда катта кўрсаткич.

Президентимизнинг куни кеча имзоланган қарори иқтисодий зона салоҳияти, қувватини яна бир неча баробар оширишга мустаҳкам замин яратди. Вилоят аҳли, қолаверса, туманимиз аҳолиси, айниқса, тадбиркорлар бу қарорни катта мамнуният билан қутиб олди. Негаки, ушбу ҳужжат қисқа фурсатда виллоят саноат салоҳиятини яна бир неча баравар оширади. Минглаб ёшлар муқим иш билан таъминланади. Рақобатбардош, экспортбош маҳсулотлар ишлаб чиқариш орқали давлатимиз газнасига қанчадан-қанча валюта тушади. Бу маблағлар эса фуқаролар фаровонлиги, юрт ободлиги учун хизмат қилади.

Қарорда эркин иқтисодий зонада бўш ётган ҳудудлар бош режасини ишлаб чиқиш, шунингдек, йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини яратиш ҳамда реконструкция қилиш учун виллоят ҳоқимлиги ҳузуридаги "Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси" давлат унитар корхонаси буюртмачи қилиб белгиланган ҳамда бош лойиҳа ташкилотчисини

## "ҲАЗОРАСП" ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАСИ беқиёс имкониятлар ҳудудига айланыпти



Ўтган қисқа даврда қиймати икки триллион сўмликдан ортиқ саноат ва 2 триллион сўмга яқин истеъмол моллари ишлаб чиқарилди. 55 минг киши яшаётган туман учун бу жуда катта кўрсаткич.

танлов асосида танлаш бўйича таклифлар маълумланган.

Айни пайтда Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси объектларини қуриш учун инвестиция компаниясига узоқ муддатга 13 миллион АҚШ доллари миқдоридеги кредит имтиёзли ставкаларда ажратилиши белгиланган.

Ҳозир эркин иқтисодий зонада хорижий инвесторларга тегшли бўлган бир қатор ириқ лойиҳалар тўлиқ ишга туширилган. Хусусан, "Develor Textile" МЧЖ трикотаж матонини тайёрлаш ва бўяш орқали тайёр тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Корхона учун уч қетар ер ажратиб берилган. Бу лойиҳанин қиймати 13,4 миллион АҚШ доллари бўлиб, корхонада 4 минг тонна бўялган трикотаж мато ва 14 миллион дона маҳсулот тайёрланади. 12 миллион долларлик қийим-кечак экспорт қилинади. Корхонада 760 та янги иш ўрни яратилган.

Жорий йилнинг якунига қадар "Future Industry Systems" МЧЖ томонидан ҳам қиймати 24,2 миллион долларга тенг лойиҳа

амалга оширилиб, кичик маиший техника воситалари ва улар учун электр двигателлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилиши натижасида 303 та янги иш ўрни яратилиши режалаштирилган.

Эндилкида бундай лойиҳалар сафи янада кенгайди. Президентимиз имзоланган қарорда "Ҳазорасп" эркин иқтисодий зонасидаги бўш ер майдонларига Австрия, Бельгия, Буюк Британия, Германия, Греция, Франция, Испания, Италия, Латвия, Польша ва Туркия давлатларидан инвесторларни жалб қилиш, уларнинг лойиҳаларини жойлаштириш белгиланган. Бу эса маҳаллий раҳбарлар зиммасига катта масъулият юқлайди.

"Ҳазорасп" эркин иқтисодий зонаси ташкил қилиниши ва бу ерда дастлабки корхоналар ишга тушиши натижасида виллоят саноати салоҳияти бир йилда икки ҳиссадан кўпроққа ошган эди. Янги қарор эса бу кўрсаткиччи яна бир неча баробар оширишга, ўз навбатида, юзлаб янги иш ўринлари очилишига хизмат қилади.

Рўзимбой ҲАСАН ёзиб олди.

Мустақиллигимизнинг 29 йиллигига

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИЛҒОР ВА ТАШАББУСКОР ЁШЛАРИ

## юрт иқтисодиётига муносиб ҳисса қўшмоқда

**Ирода ТОШМАТОВА,**  
"Янги Ўзбекистон" муҳбири

Бошланғич 1-бета

Бугунги кунга қадар ёш авлод вакиллари 7 690 та бизнес лойиҳасига жами 1 триллион 614 миллиард сўмдан зиёд имтиёзли кредит ажратилиб, 40 мингга яқин янги иш ўрни яратилишига эришилди. Хусусан, ишлаб чиқариш соҳасида жами 742,9 миллиард сўмлик 3 536 та, хизмат кўрсатиш соҳасида жами 581,1 миллиард сўмлик 2 770 та, қишлоқ хўжалиги соҳасида жами 290,5 миллиард сўмлик 1 384 та лойиҳа молиялаштирилди.

— Ўтган давр мобайнида жамгарма томонидан нафақат "Ёшлар — келажагимиз" давлат дастури, балки "Хар бир оила — тадбиркор", ҳунармандчиликни ривожлантириш, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томоҳқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш каби дастурлар орқали ҳам ёшларнинг бизнес лойиҳаларини молиялаштириш бўйича 1 134 нафар йигит-қизнинг 54,7 миллиард сўмлик лойиҳаларини молиялаштиришга қўмаклашилди, — дейди "Ёшлар — келажагимиз" жамгармаси масъул ходими Санжар Ҳошимов. — Шунингдек, дастур доирасида ёшларнинг умумий қиймати 30,4 миллиард сўмлик лойиҳаларига жамгарма кафилиги тақдим этилди. Бу уларнинг тадбиркорлик фаолиятларини бошлашларида катта ёрдам бўлди.

### Бирни минг қилаётган ёшлар

Албатта, кўрсатилаётган ёрдамлар беиз кетмапти. Ўз бизнесини йўлга қўйиб олган ёшлар ўзи ва атрофидогиларни иш билан таъминлаш баробарида мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришга сезиларли ҳисса қўшмоқда. Хусусан, ўтган қисқа вақт давомида давлат дастури доирасида кредит олиб, ўз ишини бошлаган ёш тадбиркорлар томонидан 1,5 млн. АҚШ доллари миқдоридаги махсулотлар хорижга экспорт қилинди.

Бу борада наманганлик Садоқат Аббосқонованинг ҳам алоҳида ҳиссаси бор. 2018 йилда жамгарма кўмагида 600 миллион сўм кредит маблағи олиб, трикотаж кийимлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган "Saddam Sado Media" МЧК корхонасига асос солган ёш тадбиркор айни пайтда "Садош" бренди остида тикилаётган болалар ва катталар кийимларини Россия, Беларусга экспорт қилишни йўлга қўйган. Корхонада 150 киши ишли бўлган.

Қамоллидин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг либослар дизайни факультетини тамомлаган Садоқатнинг асли касби модельер-дизайнер. Айни вақтда у ўз соҳасида олган билимларини тадбиркорлик билан уйғунлаштиришга интилмоқда. "Sadosh Textile" корхонасида ишлаб чиқариладиган 50-60 турдаги трикотаж кийимлари унинг дизайнерлик голяри асосида тикилади. 25 ёшли қаҳрамонимиз бу ерда хатто конструкторлик вазиасини ҳам бажаради.

Корхона фаолиятининг асосий йўналиши катталар ҳамда болалар учун ёғи ва кузги спорт кийимлари ишлаб чиқаришдан иборат. Уларнинг барчаси маҳаллий тола ва матолардан тикилади. Бичиш-тишиш замонавий тикув машиналари ёрдамида амалга оширилади.

— Тадбиркорликни бошлашимдан тортиб бугунги кундаги фаолиятимгача отам билан маслахатлашиб, доим унинг тавсия ва ёрдамларига таянган, — дейди Садоқат. — Ҳозир олинган даромад ҳисобидан корхонани кенгайтириш,

замонавий ускуналар олиб келиб, янги иш ўринлари яратиш ҳаракатидамыз. Келгусида "Садош" бренди остидаги кийимлар турини кўпайтириб, экспорт ҳажминини ошириш, ўзбек махсулотларини дунё бозорларида янада оммалаштиришни мақсад қилганман.

Наманган вилояти Учқўрғон туманидаги "Муҳаммадқобил Янги авлод" фермер хўжалиги раҳбари Муҳаммадқобил Машрапов ҳам деҳқончиликни тадбиркорлик билан уйғунлаштириб, яхшигина даромад олаётган ёшлардан бири. У Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи кўмагида 500 миллион сўм кредит олиб, замонавий иссиқхонани ишга туширган. Айни кез 2 гектар ҳосилдор ер майдонида ташкил этилган иссиқхонанинг 1 гектариди бодринг, 70 сотих майдонига помидор, қолганида лимон етиштирилмоқда. Унинг айтишича, томчиликта сўғориш технологияси жорий этилган мазкур иссиқхонада ҳосилдорлик юқори бўлиб, помидорнинг бир тупидан 5 килограмм, бодрингдан эса 6-7 килограммгача ҳосил олинади. Иссиқхонада етиштирилган сабзавотларнинг асосий қисми ички бозорларга етказилади. Махсулотларни Россия, Қозоғистон, Қирғизистонга экспорт қилиш йўлга қўйилган.

Аслида Муҳаммадқобил фаолиятини дастлаб фақат пахта-ғалла йўналишида бошлаган. У 17 ёшидаёқ ер олиб, фермер бўлишга аҳд қилди. 2017 йилда тендерда қатнашиб, кучли рақобатга қарамай, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тавсияси ҳамда тўпланган юқори балл билан ғолиб чиқиб, 50 йил муддатга 36 гектар ерни ютиб олди. Шу тариха 18 ёшида "Муҳаммадқобил Янги авлод" фермер хўжалигини ташкил этди.

Бу йил 21 ёшни қарши олаётган Муҳаммадқобил Машрапов Ҳозир

университети Андижон филиалида агрономлик йўналиши бўйича 2-босқични тамомлаган Муҳаммадқобил Машрапов бу борада етарли кўникмаларни эгаллаган.

— Пахта ва ғалладан мўл ҳосил олиш учун кўпроқ янги препаратлар, замонавий техникаларни қўллаш ҳаракат қиламан, — дейди у сўхбат давомида. — Фермер хўжалигимизга бошланғич тўлови 210 миллион сўм бўлган техникалар лизинг асосида 10 йил муддатга берилган. Улар орасида Нидерландиядан олиб келинган 2 та ҳайдов трактори ҳамда Ўзбекистон — Корея қўшма корхонасида ишлаб чиқаришга қўйилган ишлов берувчи культиватор бор. Мазкур техникалар иш жараёнида самарадорлигини бир неча баробар ошириб, ишчи меҳнатини энгиллаштиришга хизмат қилмоқда.

Айни вақтда ҳудудда худди иссиқхоналардаги каби пахта далаларида ҳам томчиликта сўғориш технологиясини қўллаш оммалашиб бормоқда. Муҳаммадқобил 2021 йилда 20 гектар даласида томчиликта сўғоришни жорий этишни режалаштирган.

Шу кунларда ёш фермер яна бир янги ишни бошлаш арафасида. Бу йилги ғалла ва пахта ҳосилидан олган даромади эвазига 40 сотих майдонда интенсив усулда балиқ етиштиришни режалаштирган. Айни пайтда сунъий сув ҳавасини қуриш бошланган. Йил охирига қадар хориждан худуднинг сув ҳарорати ва иқлим шароитига мос балиқ чавоғи олиб келинади.

### Янги имконият эшикларини очилмоқда

Бугунги кунда ёшларни иш билан таъминлаш, уларни тадбиркорликка кенг

жарага берилиб, интернет тармоғи ва бошқа зарур техник воситалар билан таъминланади. Уларга бизнес ташаббуслари, стартаплари, гоёя ва лойиҳаларини амалга оширишда зарур ёрдамлар кўрсатилади.

Навий вилоятининг Нурота ва Томди туманларида иш бошлаган "Ёшлар меҳнат гузарлари"да ҳам ўнлаб йигит-қизлар учун янги иш ўринлари яратилди. Бу ердан жой олиш учун талабдорлар "Ёшлар — келажагимиз" жамгармасининг туман филиалларига мурожаат қилиши кифоя. Нурота туманидаги "Ёшлар меҳнат гузарлари" комплексиди брокерлик хизматини йўлга қўйган ёш тадбиркор Азиз Аҳмедов берилган имкониятлардан фойдаланиб, ўз ишини очишга муваффақ бўлди.

— Тумандаги энг замонавий ва инновацион бинода тадбиркорлик фаолиятини бошлаш имкониятига эга бўлганимдан



ташласак, кўплаб мамлакатларда IT хизматлари экспорти катта ҳажмини ташкил этади, — дейди "Hirelancer.uz" фри-

### Миллий анъаналарнинг замонавий намойиши

Фарғоналик ёш тадбиркор Шохиджон Қодиров миллий хунармандчилик махсулотларига бўлган меҳри сабаб уларни дунё мамлакатларида кўз-кўз қилиш мақсадида. Бу борадаги ҳаракатлари натижасида қаҳрамонимиз шу йилнинг 15 июль кунини Ўзбекистон "Хунарманд" уюшмаси ва Савдо-саноат палатаси ташаббуси ҳамда мамлакатимизнинг Бош консулиги кўмагида Афинанинг Каллифея туманида "Ўзбекистон хунармандлари савдо уйи"ни очишга муваффақ бўлди.

Айтиш жоизки, диёримизда асрлар давомида ривожланган миллий хунармандчилик анъаналари бугунги кунга келиб, замонавий тадбиркорликнинг яна бир йўналишига айланиб бормоқда. Худудларда ишбилармонлик муҳитига кенг йўл очилиши тўғрисида хунарманд усталаримиз ўзлари яратган махсулотларини жаҳон бозорларига олиб чиқиш, қўл ишлари билан хорижлик харидорларни ҳайратга солади.

Риштон шаҳридаги "Мохи Диёр Рошидон" МЧЖнинг грециялик ҳамкорлар билан биргаликда ўтган йили тузилган "Craftence" компанияси негизда ташкил этилган "Ўзбекистон хунармандлари савдо уйи"га айни вақтда оилавий корхона томонидан қарийб 7 минг донна сопол лаган, кўза, ваза, суввенир ва қўл меҳнати билан ясалган бошқа хунармандлик буюмлари етказиб берилди.

— Риштонда қадимдан сопол буюмлари ишлаб чиқаришнинг нобъ технологияси яратилган бўлиб, ҳозир ҳам худуддаги кулолчилик мактаби ўзига хос баддий жиҳатлари билан алоҳида ажраллиб туради, — дейди "Craftence" қўшма компанияси раҳбари Шохиджон Қодиров. — Ана шу санъат турини дунёга намойён этиш, ўзбек хунармандчилигини буюмларига хорижликларнинг эътиборини жалб қилиш мақсадида ўтган йили Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси тақлифи билан Грецияда миллий муҳаббатларимизни сотишга мўлжалланган хунармандлар савдо уйини ташкил этишга қарор қилиди. Ўзбекистоннинг Грециядаги бош консули Олимжон Қосимов кўмагида грек ҳамкорлар билан танишиб, биргаликда иш бошлади. Ўтган ойда ишга тушган савдо уйини ҳозир ушбу ўзбек миллий хунармандчилиги намуналари — сўзана, атлас-адрес матоларидан тикилган либослар, дўппилар ҳамда сопол буюмлар грециялик харидорларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

"Мохи Диёр Рошидон" МЧЖда чинни буюмлар ишлаб чиқариш корхонаси ҳам ташкил этилган бўлиб, бу ерда 48 нафар киши иш билан банд. Ишлаб чиқариш жараёнининг асосий қисми хориждан олиб келинган 24 та замонавий аппарат ёрдамида бажарилади. Корхонанинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 1 миллион донна буюм, экспорт ҳажми эса 250 минг АҚШ доллариغا тенг. Ишлаб чиқариладиган махсулотлар, асосан, Россия, Тожикистон, Грецияга экспорт қилинади.

Юртимизнинг қадимий ва бой тарихи, бетақорр жозибасини акс эттирувчи миллий хунармандчилик намуналарини дунёга намойён этишга муносиб ҳисса қўшиб келаётган фарғоналик тадбиркор келгусида иш фаолиятини янада кенгайтириб, бошқа давлатларда ҳам хунармандлик савдо уйларини очишни мақсад қилган. Айни пайтда харидорларга янада қўлайлик яратиш мақсадида Ўзбекистоннинг Афинадаги дипломатик ваколатхонаси кўмагида www.craftence.com онлайн савдо дўконини ишга туширилди. У орқали дунёнинг исталган бунчадаги инсонлар ўзбек хунармандчилик махсулотларига буюртма бериши мумкин.

жуда хурсандман, — деди у. — "Ёшлар — келажагимиз" жамгармаси томонидан менга нафақат бинодан жой, балки 25 млн. сўм имтиёзли кредит ҳам ажратилди. Ҳозир туманимизда эндигина ривожланаётган ушбу соҳада ўзимдан ташқари яна 2 нафар тенгқурим иш билан бандимиз. Биз, ёшлар бор кучимизни ишга солиб, иқтисодиётни инновацион ривожлантириш, рақамли технологиялар кўламини кенгайтириш, тенгдошларимизни иш билан таъминлашга муносиб ҳисса қўйишни мақсад қилганмиз.

### Freelancer — келажак соҳаси

Меҳнат гузарларида фаолият бошлаган ёшлар орасида замонавий соҳа эгалари — дастурчилар ҳам топилади. Сўнгги вақтларда мамлакатимизда IT соҳаси ва, умуман, барча хизмат турларини электронлаштириш йўналишида катта илғор йўналишлар кузатишмоқда. Айниқса, пандемия шароитида масофадан туриб, хизмат кўрсатиш ва даромад топишга талаб орди. Натижада биз учун янги йўналишлардан ҳисобланган фрилансерлик фаолияти ёшлар орасида мўмай даромад топишнинг яна бир тури сифатида оммалаша бошлади.

Юртимизда ушбу соҳага эътибор ортиши натижасида йўналиш вакиллари, яъни интернет тармоқлари орқали хизмат кўрсатувчи (ишлар бажарувчи) ўзини ўзи банд қилган кишилар давлат томонидан қўллаб-қувватланиб, уларнинг фаолиятига бир қатор имтиёз ва имкониятлар берилмоқда. Давлатимиз раҳбари шу йилнинг 22 апрель куни аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромади кескин камайишининг олдини олиш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам фрилансерлик фаолиятига алоҳида тўхталиб, мутасаддилар олдида бундай фаолият турлари учун имтиёз ва преференциалар тақдим этиш, ёшларни интернетдан фойдаланиб, ақлий меҳнат орқали даромад топишга ўргатиш, соҳани ривожлантириш учун хорижда оммабоп бўлган тўлов тизимларини йўлга қўйиш бўйича вазифалар қўйган эди. Кейинроқ Президентимизнинг "Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан фрилансерларга контракт тузмасдан, келишув тўғрисидаги аммавий тақлифи (оферта) қабул қилиш ёки электрон ёзишмалар алмашиш ёхуд ҳисоб-китоб фактуралари (инвойси), жумладан, электрон шаклда тақдим қилиш йўли билан чет эллик жисмоний ва юридик шахсларга хизмат кўрсатиш ҳуқуқи берилди.

— Жаҳон тажрибасига назар



41 гектар майдонга эга фермер хўжалигини бошқаришга кўпчилик ишонмайди. Аммо катта ишни масъулият билан удалаётган қаҳрамонимиз тадбиркорликда анчагина тажриба орттириб, бу борада тенгдошларига намуна бўлмоқда.



У раҳбарлик қилаётган фермер хўжалигининг 36 гектар ер майдонига пахта ва ғалла экилади. 11 та доимий иш ўрни яратилган бўлиб, дала ишларида масъулий ишчилар ҳам жалб қилинади. Хар йили пахта ва ғалла режаси орқали билан бажарилади. Даромад ҳам шунга яраша бўлади, албатта. Ўтган йилги бугдой ҳосилидан 150 миллион, пахтадан 160 миллион сўм даромад олди. Бу йилги режалари ҳам ундан кам эмас. У давлатга 62 тонна ғалла топшириб, режани 102 фоиз бажарди.

Экинни ерга қадаган билан ўз-ўзиндан униб чиқиб, ҳосилга кирмайди. Яхши ҳосил олиш учун экинларга парваршиш, ўзига яраша билим ва тажриба зарур. Тошкент давлат аграр

жалб қилиш, ўз бизнесларини бошлаб олишлари учун қўлай муҳит ва шароит яратишда республикамиздаги 27 та "Ёш тадбиркорлар" коворкинг маркази ҳамда 157 та "Ёшлар меҳнат гузарси" ҳам муҳим ўрин тутмоқда. Айни вақтда ушбу масканларда 2 минг 200 нафардан ортиқ йигит-қизнинг ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишига эришилди.

Мазкур комплексларда 70 та савдо дўкони, 65 та тикув цехи, 58 та саргарошхона, 39 та автосервис, 35 та новвойхона ва қандолат цехи, 22 та умумий овқатланиш шохобчаси, 19 та хунармандчилик устахонаси, 14 та ўқув маркази, 8 тадан "Book safe", китоб дўкони, телефон тўзатиш устахонаси, компьютер хизмати, фотостудия, дорихона ва бошқалар ташкил этилди. Бир жойда жамланган кенг қўламдаги хизмат турларидан фуюрлар ҳам мамнун бўлмоқда.

Лойиҳа мақсадига кўра, гузарда ёш тадбиркорларга бинолар, офис техникаси ва жиҳозлари имтиёзли шартларда





Сафар ОСТОНОВ,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Ўзбекистонимиздан эса Яратган ўз марҳаматини аямаган, саҳий еримиз, катта-кичик дарёларимиз бор, доим порлаб турувчи қуёшимиз бор. Бу уч неъмат, уч қудратли имконият, қўлларнинг ҳавасини келтиради. Одамларнинг ҳаёти, турмуши, бойлиги, давлатларнинг иқтисодий қуввати ҳам қўп жиҳатдан ана шу уч неъматга боғлиқ, десак хато бўлмайди. Аммо Яратганимиз ўзи берган бу имкониятлардан қандай фойдаланяпмиз? Бу савол — бош савол, катта савол, оғриқли савол...

# ЕР, СУВ ВА ҚУЁШ

Бу уч бебахо неъмат ҳаммага ҳам бир хил берилмаган. Аммо буни баъзан англаб, баъзан англамаётганга ўхшаймиз... Аслида-ку, ўқиганимиз, эшитганимиз, кўрганмиз, биламиз, Ер шарининг ҳар ҳудуди ўзига хос, иқлимга табиий имкониятларигага турли-туман. Қайси бир юрт одамлари тупроқли, унумдор ерга, қайси бири сувга зор ёки қаерлардадир қуёш йилнинг санокли кунларидагина юз кўрсатади.

## Ер

Мақтанаман десак, асосларимиз етарли. Қадим-қадимдан, неча асрлардан буён деҳқончилик қиламиз. Деҳқончилик маданиятимиз эртакларда, достонларда битилган, ҳикматли сўзлар айтилган. Кейин-кейин пахта етиштириш асосий вазифамиз бўлиб қолган. Бўш ер борки, пахта экиш буюрилган, «Пахта — миллий бойлигимиз!» деган шiorлар пайдо бўлган. Пахта нега миллий бойлик, нимаси миллий бойлик, ўйлаб ўтирилмаган.

Пахтанинг ўзи оқ, меҳнати қора, дейилган. Ана шу қора меҳнати туну кун, йил-ўн икки ой қилган халқимизнинг қосаи оқармаган, бири икки бўлмаган, инсон бўлиб инсондай яшамаган. Қайтага, пахта сийсати кетидан қанча азоб-укубатларни, қатагонларни бошдан кечирган. Собиқ иттифоқнинг пахта мустақиллигини таъминлаш учун беаёв ишлатилган халқимизнинг ҳам, еримизнинг ҳам тинка-мадори қуриган. Ҳеч ким бизга ачинамаган, еримизга ачинамаган. Чунки қарам эдик, бошқаларга бўйин эгиб яшардик.

Мустақилликка эришилган, биламиз, пахта яхшоқимилгидан воз кечишга киришилди. Ерга муносабат ўзгарди, қишлоқ хўжалиги тубдан ислоҳ қилинди. Ўзбекистоннинг ўзи ўзини озиқ-овқат маҳсулотлари, жумладан, дон-нон билан таъминлай бошлади. Мустақил бўлсанг-у, ўз ноининг бўлмасан, биронинг қўлига қараб қолсан, иқтисодий қарам бўласан. Бу хавф-хатарлар ҳисобга олиниб, кўп ишлар амалга оширилди.

Бироқ бу жараёнда хатолар оз бўлмади, баҳсли, мунозарали қарорлар ҳам қабул қилинди. Бунинг устига, қаерга нима экишни, олган ҳосилни кимга сотишни ҳам чуқурроқ ўйлаб кўрмадик. Миллион-миллион сўм фойда кўриш мумкин бўлган ерлардан арзимангандароқ олиб юрардик. Баъзан эса эрта баҳордан кеч кузгача меҳнат қилиб, етиштирилган ҳосилни қаерга, кимга сотишни билмай чиритиб юбордик.

Фарғоналик деҳқонлар тадбиркорлиги ҳақида кўп гапирди-ю, уларнинг тажрибасини кенг ёйиш бўйича ўз вақтида жиддий ишлар қилинмади. Ҳали-ҳануз томорқасидан фойдаланишни билмайдиганлар оз эмас.

Ёнма-ён икки қишлоқда, ҳатто икки қўшни томорқасида икки хил аҳволни кўп кўрганмиз. Аслида томорқаси бор одам камбағал бўлиши мумкин эмас. Аммо ҳаёқотдек томорқаси бўла туриб, рўзгорини тебратолмай юрганлар бор. Бугунги синови кунларда ижтимоий ёрдамга эҳтиёжмандлар кўпайиб қолди.

Ҳинда узоқ туманларнинг бир қишлоғидан аёл киши кўнгириқ қилиб, маҳалла ёрдам бермаётганидан нолиди. Оилавий аҳволини сўрасам, эри, уч нафар воёга етмаган фарзанди бор экан. Ҳаммасининг етти мучаси соғ, фақат эри вақтинча ишсизлигини айтиди. Беихтиёр томорқаси билан қизқидим: 12 сотих экан. Нима экилганини сўрасам, беда, деди. Ўйлаб қолсан, киши: ер, сув бор, қуёш бор, бироқ камбағал яшайди. Нега? Укув йўқ, иштиёк йўқ.

Астойдил интилган, қизққан киши томорқасидан унумли фойдалана олади. Бир танишимнинг 5 сотих ерида помидор етиштирадиган иссиқхонаси бор. Оиласи билан ишлайди. Яна йилда 30-35 миллион сўм фойда олади. Яна денг, ҳовлисида мол-қўли, паррандалари бор. Ўз рўзгорини ўзи тебратади, боқиманда эмас. Тўғри, давлат ногиронларни, боқувчисини йўқотган оилаларни, ёлғиз кексаларни ўз ҳимоясига олади, ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди. Аммо каттагина томорқаси бор, тани-жони соғ одамлар ўзи меҳнат қилмай, бировларнинг қўлига қараса, тўғри бўладими?

Қишлоқ хўжалигида кўп депсинишлар бўлди, ерга хўжасизларча муносабат давом этди. Буларнинг оқибатини изоҳлаб ўтиришга ҳоҳат бўлмас керак. Агар қишлоқ хўжалигига илмий ёндашиб, ишимизни дунёнинг илгор тажрибалари асосида ташкил эта олганимизда, мутасаддилар ерга хиёнат қилмаганда, ер билан боғлиқ коррупция авж олмаганда, бугун иқтисодийимиз ҳам, ҳаётимиз ҳам бошқача бўларди. Ҳозиргидан бир неча баробар юқори бўларди.

Бу аччиқ ҳақиқатлар бизга ҳар қандай ишни чуқур ўйлаб, ҳар томонлама ҳисоб-киتاب қилиб,

бошқалар тажрибасини ўрганиб, сўнг бошладан сабоқ бермоқда. Буйруқ бериш осон, бир буйруқ билан қайси бир ишни бошқа ўзганга буйриб юбориш ҳам қийин эмас. Аммо етарли илмий асосга эга бўлмаган буйруқлар оқибатини бартараф қилиш жуда мураккаб бўлишини ҳам кўрдик. Бугун коронавирус пандемияси оқибатида дунё иқтисодиёти беҳисоб зиён кўрмоқда, озиқ-овқат хавфсизлиги жиддий муаммага айлиб бормоқда, бу масала ривожланган давлатларни ҳам ташвишга солмоқда. Юзага келган синовлардан ҳар ким мавжуд имконияти ва танлаган йўлига яраша чиқади, албатта. Аммо озиқ-овқат масаласи ерга, қишлоқ хўжалигига боғлиқлигини инкор этиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам бугун қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, бу соҳадagi имкониятларимиздан самарали фойдаланишга қаратилган стратегия ишлаб чиқирилиб, уни амалга ошириш йўлидан боришмоқда.

Ҳинда, анкироғи, 6 август кунини давлатимиз раҳбари Жаҳон банки иштирокидаги «Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш» лойиҳасини амалга оширишга бағишланган видеоселектор йиғилишида бундай деди: «Қишлоқ хўжалигини илм билан қилмасак, харажатларимиз натижа бермайди. Ҳар бир лойиҳа манфаатдорлигини таъминлаш, рентабеллигини оширишга хизмат қилиши керак. Пировад марраимиз — экспорт. Илмий асосланган, стандартларга мос маҳсулот чиқариш, бозор топилари».

Бу фикрлар замирида қишлоқ хўжалигидаги бугунги сийсат, бугунги вазифалар ифодаланган. Дарҳақиқат, илмий асосларга суянмас, хато қилмаймиз, ҳосилимиз мўл ва сифатли бўлади, экспортбор бўлади, озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланади. Фермерми, деҳқон хўжалиги ёки томорқа эгасими, манфаат кўради. Бироқ буни ҳамма англаши ва бунга амал қилиши учун кенг кўламли тарғибот-ташвиқот ишларини, жойларда мутахасссларнинг амалий ёрдамини кучайтириш керак.

Ҳудудлар тупроғи, иқлим шароитига қараб муайян соҳаларга иқтисослаштирилмоқда. Қаердадир богдорчилик, қаердадир полиз маҳсулотлари етиштириш бўйича илмий ёндашувга киришилди. Шу пайтгача юқоридан берилган, бирор-бир илмий асосга таянмаган буйруқлар билан экин экиб келинди. Оқибати маълум...

Бугун, ниҳоят, ерга билим, ақл билан ёндашув бошланди. Қаерга нима экиш илмий хулосалар асосида йўлга қўйилмоқда. Бироқ бу жараён қандай кетиши, асосан, туманлар ҳокимлари қобилиятига, ташаббускорлиги ва фойдoлигига боғлиқ.

Қаерда тўғри йўл танлаб олинса, мутахассслар ва фаоллар бошини бириктириб, одамлар кайфиятини кўтаришга эришилса, янги ислохотларга улар ишонтира олинса, ўша жойда ривожланиш бўлади. Маҳаллий кенгашлар депутатларидан эса бу жараёнда ўз ўрнини билиши ва ўз сўзини айтиши талаб этилади. Аввало, бу ислохотлар аҳамиятини тушунириш, иқинчидан, жойларда қишлоқ хўжалиги тараққиётига тўсиқ бўлаётган муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича тақлифлар билан чиқиш мумкин аҳамиятга эга.

Ернинг эгаси кўп бўлса, талон-тарожлик, коррупция томир отишини кўрдик. Қўравериб-қўравериб, энди бир қарорга келдик. Ернинг эгаси қонун бўлиши керак. Ернинг тақдирини қонун ҳимоясида бўлиши керак. Бу хулоса ер билан боғлиқ қонунларни ҳар томонлама такомиллаштириб боришни талаб этади, албатта.



## Сув

Ҳинда бир манбада ўқидим, Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасидаги энг йирик суғориладиган майдонга эга мамлакат экан, 4,3 миллион гектар ерда деҳқончилик қиларканмиз. Халқаро экспертлар фикрича, Ўзбекистон сув танқислиги хавфи бор 25 давлатдан биридир. Бу ҳолат бизни безовта қилиши, чуқур ўйлаб, сув захираларидан самарали фойдаланиш чораларини кўришни талаб этади. Тўғри, тоғларимиз, катта-кичик дарёларимиз, кўлларимиз бор. Аммо сувимиз охири-тохи ётгани йўқ.

Ҳар йили қиш ҳар хил келади, баҳор ҳам. Тоғларимизга қор кўп ёгса, хурсанд бўламиз, сув сеरोб бўлади, худо хоҳласа, деб қувноамиз. Қор кам бўлса, бизни сув ташвиши босади. Шундай бўлса, сувни кўп исроф қилишга кўникиб қолганмиз. Қишлоқ хўжалигида узоқ йиллар давомида сувга ибтидоий муносабатда бўлиб келинди. Кейин «сувнинг ҳам томчиси зар», дея жамоатчиликка тушутиришга ҳаракат қилдик. Афсуски, бу «зар» ариқлардан тошиб, кўчаларни босиб ётди, ўза паикалларни кўп бўлиб қолган пайтлар бўлди...

Бедазор ва шилзорларда сув ҳаддан ташқари кўп исроф қилинди. Сирдарё ва Жиззах вилоятларининг чўл ҳудудларида лотоклар синиб, сув кечаю кундуз беҳуда оқиб ётган ҳолатларни кўрганмиз.

«Сувчи — заргар», дедик, бу «заргар»ларнинг ҳаммаси ҳам сувнинг қадрига етмади, суғу биринчи юраги ачиса, бошқаси беларво бўлди. Қишлоқ хўжалигида сувдан самарали фойдаланишнинг аниқ механизми, стратегияси яратилмаганлиги сабабли сувни тежаш ҳақида айтилган гап-сўзлар ҳам оқар сувдек оқди-кетди, фойдаси деярли бўлмади.

## Қуёш

Қуёш қачон пайдо бўлганини билиш қийин, аммо одамзод пайдо бўлганидан буён қуёшдан баҳраманд бўлиб келаётганини инкор этиб бўлмайди. Аслида қуёш — ҳаёт манбаи, қуёш — чексиз куч-қудратга эга неъмат. Унинг имкониятларидан фойдаланишнинг алифбосини энди ўқиётгандекмиз.

Қуёшни ҳар томонлама ўрганиш, унинг имкониятларидан кенроқ фойдаланиш учун илмий тадқиқотларни тизимли оlib бoриш долзарб масала экани тобора ёрқинроқ намоён бўлмоқда. Яратган бизга шундай катта имконият берган экан, ундан самарали фойдаланиш йўлларини кашф этишимиз зарур.

Қуёш — электр қуввати олинмаган беқиёс манба, илоҳий куч-қудратга эга. Саноатда, қишлоқ хўжалигида, тиббиётда ҳам қуёш нуруларидан фойдаланиш мумкин бўлган сир-асрорларнинг кўпидан ҳали бебаҳармиз. Бир кун келиб, қуёш нуридан фойдаланишнинг ҳаёлимизга ҳам келмаган янги-янги имкониятлари пайдо бўлса, ажаб эмас.

Чунки қишлоқда қуёш нуридан электр қуввати ҳосил қилиш мумкинлиги 30-40 йил олдин тушунишга ҳам кирмаган эди. Наманган вилоятининг Поп туманида фотоэлектр станциясини жанубий қорёяликлар ишга тушириб берган, ишонмаган одамлар кўп бўлди: қандай қилиб, осмонга қараган панеллар минглаб йилларни еритади, уларнинг қозонини қайнатади? Мана, бир неча йилдан буён шундай, бошқа жойларда чироқ ўчасаям, қуёш станциясига уланган ҳовлилар чарогон бўлиб туравереди.

Бу дастлабки синов тажрибаси эди. Мана, энди йирик лойиҳалар кириб келяпти. БААнинг Masdar компанияси мамлакатимизда қуёш электр станцияси қуриш учун 100 миллион доллар инвестиция киритишга аҳд қилди. 2019 йил октябрда у мамлакатимиз тарихида қуёш энергиясидаги давлат-хусусий шериклик сармояларини жалб қилиш бўйича


Мамлакатимизда сув қанчалик исроф қилинаётганини қуйдаги рақамлар яққол кўрсатиб турибди: Ўзбекистонда 1 гектар майдондаги экинлар учун 10,7 минг куб метр сув сарф қилинмоқда. Ривожланган мамлакатлар билан қиёсланганда 3-4 марта кўп. Энди 4,3 миллион гектар ерни суғориш учун қанча сув ортиқча сарфланишини ҳисоблаб кўрайлик. Даҳшатли даражадаги баҳайбат рақам пайдо бўлади.

Сувни исроф қилишнинг турган-битгани, аввало, гуноҳ, иқинчидан, катта иқтисодий зиёндир. Ахир сув тоғлардан, дарёлардан сув омборларига, далаларимизга, томорқаларимизга ўзидан-ўзи чопқиллаб оқиб келмайди-ку. Насос станциялари, электр қуввати, ирригация тизимлари, ишчи кучи... Миллиард-миллиард сўм маблағ сарфланиб етказиб келинган сувни исроф қилишни, қадрламасликни қандай баҳолаш мумкин? Ношукрчиликми, боқибегамликми, сувга нисбатан шафқатсизликми, маданиятсизликми?.. Йўқ, ўзимизга нисбатан шафқатсизлик, ўзимизга душманлик бу...

Ниҳоят, кейинги йилларда томчилатиб суғориш усули кенроқ жорий этила бошланди, сувни тежайдиган технологиялардан фойдаланишга ўтилмоқда. Бугунга келиб бу масалада жиддий амалий чора-тадбирлар белгиланмоқда.

Аввалоги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги таркибидан сув хўжалиги ажратилиб, алоҳида Сув хўжалиги вазирлиги ташкил этилди. Бу қарор замирида сув билан боғлиқ жуда муҳим ва улкан юмушлар турибди, албатта. Вазирлик зиммасига сув хўжалигини тубдан ислоҳ қилиш вазифаси юклатилган. Бунинг учун янги инновациялар ғоялар, ташаббуслар керак бўлади, ривожланган давлатлар тажрибасини олиб келиш, кенг қўллаш учун шарт-шароит яратиш каби осон бўлмаган ишларни амалга ошириш керак.

Кунинг кеча эса мамлакатимиз Президентининг «Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармони қабул қилингани бу борадаги тарихий воқеа бўлди. Халқаро экспертлар ҳам бу концепция Ўзбекистоннинг суғориш тизимларини модернизация қилиш ва улардан самарали фойдаланишни тўлиқ қамраб олганини эътироф этмоқда. Тўғриси, сувдан фойдаланишнинг бу стратегик дастури ижроси узоқ йиллардан буён



тўпланиб қолган, оёғимизга тушов бўлиб келаётган кўндан-кўп муаммоларни ҳал этади. Ер ва сувдан самарали фойдаланиш, сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш, сув хўжалиги объектларини модернизация қилиш ва ривожлантириш бўйича ислохотларни амалга оширади.

Ушбу фармоннинг мақсади, маъно-мазмуни ва ҳаётимизда тутган аҳамиятидан келиб чиқиб хулоса қиладиган бўлсак, сув билан боғлиқ кўндан-кўп масалаларни тартибга солиш, айрим мураккаб, баҳсли ҳолатларга ҳуқуқий баҳо бериш учун сувга муносабатнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш зарурати борлиги аён бўлади. Ҳар қандай ислохот ёки янгилик эски қонун-қоидалар билан яшай олмайди. Янги қонунларни жорий қилиш ёки айрим қонунларга ўзгартириш киритилишини тақозо этади.

Мамлакатимизда сув хўжалигини ривожлантиришни янги босқичга олиб чиқаётган эканмиз, эртага янги муаммолар юзага келиши мумкинлиги ва уларнинг ҳуқуқий ечимлари ҳақида вақтида ўйлаб кўриш керак.



биринчи бўлиб очiq тендер қолиби деб топилди. Унинг фойдаланишга топширилши 2021 йилнинг биринчи чорагига режалаштирилган. Бундан ҳам икки қарра йирик — ҳар бири 200 МВт. гача бўлган шундай лойиҳалар Самарқанд ва Жиззах вилоятларида амалга оширилиши кутиляпти...

Қайта тикланувчи манбалар ишлаб чиқарган электр энергиясини сотиш, нархини белгилаш, инвесторлар ҳуқуқлари, кадрлар тайёрлаш билан боғлиқ масалаларда ҳам тажриба камлиги қатор муаммоларни юзага келтириб турган эди. Президентимизнинг жорий йил 10 июлдаги «Иқтисодийнинг энергия самарадорлигини ошириш ва мавжуд ресурсларни жалб этиш орқали иқтисодий тармоқларининг ёқилғи-энергетика маҳсулотларига қарамлигини камайтиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори юқоридаги муаммоларни бартараф этиш йўлларини белгилаб берди. Шунингдек, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган энергиянинг 40 фоизи биноларни иситиш ва ёритишга сарфланаётганини ҳисобга олсак, айнан қуёш энергиясидан фойдаланишни жорий қилиш қанчалик муҳимлигини аниқлаймиз.

Қуёш энергияси халқаро институти маълумотларига қараганда, кейинги уч йилда мамлакатимизда 20 дан ортиқ миллий стандартлар ишлаб чиқилган. Энергетика

вазирлиги маълум қилишича, намунали уйлار ва ижтимоий объектларда иссиқлик ва электр энергиясини ишлаб чиқарадиган қуёш тизимларини ўрнатиш бўйича дастур тайёрланмоқда.

Бир мисол, агар 150 мингта хонадонга қуёш панеллари ва сув иситиш тизимлари ўрнатилса, йилига 319 миллион куб метр табиий газ тежаб қолинар экан.

Демак, бу борадаги ишлар такомиллаштирилиб бoрилишидан манфаатдоримиз. Ҳин-ҳингача деҳқонларимиз ёғоч ёки темирдан оддий иссиқхона ясаб, устига плёнка тортиб, қуёш нуридан фойдаланиб, қишда ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириб келаётганди. Бугун эса қуёш электр станциялари қурилмоқда, ундан фойдаланиш глобал тур оломоқда. Бу жараёнининг қонуний асосларини ҳам тартибга солиш, мустаҳкамлаш талаб этилади.

Мақтанмайлик, ношукрлик ҳам қилмайлик, аммо қишлоқ хўжалиги соҳасида имкониятларимиз катталигига ишонайлик.

Дунёда озиқ-овқат хавфсизлиги ташвиши қалқиб турган бугунги шароитда ўз эҳтиёжини тўла таъминлаш билан бирга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш имкониятига ҳам эгамиз. Бундай дейишга асосларимиз етарли, чунки саҳий еримиз, ариқларимиз тўла сувимиз, порлаб турган қуёшимиз бор. Меҳнатқаш халқимиз бор.

Эътироф

## ЎЗБЕК ОЛИМИ ТУРК ДИЛ КУРУМУ АЪЗОЛИГИГА САЙЛАНДИ

Лутфулла СУВОНОВ,  
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Туркия Республикасида турк тили ва адабиёти, туркий тиллар ва адабиётлар, умумтуркий маданият масалаларига алоҳида эътибор қаратилади. Давлат олим ва тадқиқотчиларнинг ана шу йўналишдаги изланишларини қўллаб-қувватлайди.



Шу билан бирга, Турк тили жамияти дунёда туркий халқлар, тиллар, маданиятлар хусусида муваффақиятли тадқиқотлар олиб бораётган олимларни фахрий, ҳақиқий ва мухбир аъзолар сифатида қабул қилади.

Яқинда Турк тили жамияти таркибига Самарқанддаги “Ипак йўли” туризм халқаро университетининг биринчи проректори, филология фанлари доктори, профессор Жўлибўй Элтазаров мухбир аъзо сифатида сайланди. Бу хусусида олимга Турк тили жамияти раиси профессор Гурер Гүлсевин томонидан ёзилган мактубда чет мамлакатларда туркий тиллар хусусида самарали тадқиқотлар олиб борганлиги учун ушбу шарафга муносиб кўрилгани, Академия ва Турк тили жамиятининг мамлакатда ҳамда чет эллардаги хизмат фаолиятларига ёрдам бериш ва бу фаолиятларни олиб бориш ваколати билан сайлангани маълум қилинди.

Таъкидлаш жоизки, профессор Ж. Элтазаров кейинги ўн йилликларда Жанубий Корея, АҚШ, Германия, Япония ва Туркия университетлари ва илмий-тадқиқот марказларида ўзбек, турк, уйгур, қозоқ тилларини ўқитиш, бу тиллар бўйича дарслик ва қўлланмалар, луғатлар ва сўзлашчилар яратиш ҳамда туркий тиллар ва маданиятларни дунёга оммалаштиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Жумладан, олим биринчи марта “Япон университетлари учун ўзбек тили дарслиги” (2009, 2010), “Ўзбекча-японча сўзлашчи” (2013), “Япон университетлари учун ўзбекча ўқиш китоби” (2013), турк университетлари учун “Ўзбекчани ўрганишимиз” (2010) дарслигини ёзиб нашр эттирган.

Мамлакатимизда олимнинг ўзбек тили тарихи, ўзбек тилининг грамматик қурилиши масалалари, ўзбек ёзуви ва имлоси тарихи масалаларига бағишланган 10 дан ортиқ монографияси ва “Қадимги туркий тил” дарслиги чоп этилган.

Тадқиқотлар олиб борганлиги учун ушбу шарафга муносиб кўрилгани, Академия ва Турк тили жамиятининг мамлакатда ҳамда чет эллардаги хизмат фаолиятларига ёрдам бериш ва бу фаолиятларни олиб бориш ваколати билан сайлангани маълум қилинди.

Таъкидлаш жоизки, профессор Ж. Элтазаров кейинги ўн йилликларда Жанубий Корея, АҚШ, Германия, Япония ва Туркия университетлари ва илмий-тадқиқот марказларида ўзбек, турк, уйгур, қозоқ тилларини ўқитиш, бу тиллар бўйича дарслик ва қўлланмалар, луғатлар ва сўзлашчилар яратиш ҳамда туркий тиллар ва маданиятларни дунёга оммалаштиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Жумладан, олим биринчи марта “Япон университетлари учун ўзбек тили дарслиги” (2009, 2010), “Ўзбекча-японча сўзлашчи” (2013), “Япон университетлари учун ўзбекча ўқиш китоби” (2013), турк университетлари учун “Ўзбекчани ўрганишимиз” (2010) дарслигини ёзиб нашр эттирган.

Мамлакатимизда олимнинг ўзбек тили тарихи, ўзбек тилининг грамматик қурилиши масалалари, ўзбек ёзуви ва имлоси тарихи масалаларига бағишланган 10 дан ортиқ монографияси ва “Қадимги туркий тил” дарслиги чоп этилган.

Матбуот анжумани

## Мажбурий меҳнатга йўл қўйилмайди

Поитахтимиздаги Миллий матбуот марказида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги мутасаддилари иштирокида “Ўзбекистонда мажбурий меҳнатга қарши кураш: муаммо ва натижа” мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.



Ҳасна МўМИНОВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Таъкидланганидек, мажбурий меҳнат бирор-бир жазони қўллаш ёки таҳдид қилиш орқали иш бажаришга мажбурлашдир. Мажбурий меҳнат қишлоқ ҳўжалиги, ободонлаштириш, қурилиш, таъмирлаш ишларига жалб қилиш ва бошқа кўришилларда бўлиши мумкин. Сўнгги йилларда юртимизда мажбурий меҳнатга қарши кескин чоралар қўрилмоқда. Бу борадаги турли халқаро ҳужжатлар ратификация қилинди, миллий қонунчилик тобора такомиллаштирилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг “Одам савдосига ҳамда мажбурий меҳнатга қарши курашиш тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони, Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида мажбурий меҳнатга барҳам беришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинган.

Ҳозирги кунда халқаро стандартлардан келиб чиқиб, миллий қонунчиликда мажбурий меҳнатга йўл қўйган шахсларга нисбатан маъмурий ҳамда жиноий жавобгарлик чоралари белгиланган. Меҳнатга маъмурий тарзда мажбурлаганлик учун маъмурий жарима миқдори 2019 йилда базавий ҳисоблаш миқдорининг 30-50 бараварига оширилган бўлса, 2020 йил 22 январдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунчилик ҳужжатларига ўзgartириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунга мувофиқ, маъмурий жавобгарлик чоралари, яъни жарима миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг 50-100 бараварига қилиб белгиланди.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик такоран содир этилган бўлса, Жиноят кодексига киритилган янги 148-модда бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг 100-150 бараварига жарима, 2 йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ва 2 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари каби жиноий жазо қўлланилади. Миллий қонунчилигимизга киритил-

ган бу ўзgartишлар мажбурий меҳнат ҳолатларининг йилдан-йилга камайиб боришига замин яратмоқда.

— Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 28 августдаги “Меҳнат органлари тузилмасини такомиллаштириш ва фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва меҳнатини муҳофаза қилиш тизимини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги таркибига Давлат меҳнат инспекцияси қайтадан янги тузилма шаклида ташкил этилди. Мажбурий меҳнатга қарши курашиш инспекциянинг асосий фаолият турларидан бири этиб белгиланди, — дейди Давлат меҳнат инспекцияси бошлиги Қудратилла Одинаев. — Афсуски, айрим мансабдор шахслар томонидан бу борадаги қонун бузилишлари содир этилиши ҳолатлари ҳали ҳам учраб турибди. Хусусан, жорий йилнинг 6 ойи давомида Давлат меҳнат инспекцияси томонидан мажбурий меҳнат бўйича 39 та ҳолат аниқланган бўлиб, уларнинг барчасида мансабдор шахсларга нисбатан тегишли маъмурий жарималар қўлланилди.

Мажбурий меҳнатга тизимли равишда қарши курашиш мақсадида

инспекция томонидан ўтган йилда 2 минг 779 та корхона ва ташкилотда ўрганиш ўтказилиб, жами 259 та ҳолат қайд этилди. Шундан 112 таси бевосита ободонлаштириш ва қўламазорлаштириш ишларига ходимларни мажбурий жалб этиш билан боғлиқ. Шунингдек, иш ҳақларини ўз вақтида бермаган ва меҳнат шартлари яратмаган 56 нафар мансабдор шахсга қонунчиликда белгиланган тартибда маъмурий жарималар қўлланилди.

Шунингдек, мамлакатимизда ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишни янада кучайтириш, уларнинг меҳнат шартини ҳисоблаш механизмининг такомиллаштириш, иктимомий-меҳнат соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш мақсадида фуқароларнинг меҳнат фаолиятини бошқариш-бошқич электронлаштириш жараёни йўлга қўйилди.

Тадбирда мазкур қарор ижросини таъминлаш борасида амалга оширилатган ишлар тўғрисида ҳам атрофлича маълумот берилди.

Л.СУВОНОВ,  
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Туризм

## Тўдакўлда ЗАМОНАВИЙ ДАМ ОЛИШ МАСКАНИ

Гулчиро ИСОҚОВА,  
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бухоролик тадбиркорлар томонидан Тўдакўл сув ҳавзаси қирғоғида “Silk Road Family Resort” сайёҳлик курорти барпо этилиб, ишга туширилди.

Жаҳон андозаларига мос келувчи ушбу дам олиш маскани лойиҳасига қўра, қурилиш жараёнлари 2022 йилда тўлиқ якунланиши режалаштирилган. Тўдакўл соҳили бўйида барпо этилаётган пляж, дам олиш ва соғломлаштириш маскани ҳамда аквапаркнинг умумий лойиҳа қиймати 6 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

Тўдакўл қирғоғига туташ 15 гектар майдонда мазкур объектнинг биринчи босқичида 500 нафар, иккинчи босқичида эса

1500 нафардан ортиқ сайёҳни қабул қилиш имконияти яратилади. Бу дам олиш маскани ишга тушган 150 дан зиёд янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилган.

Лойиҳа тўлиқ қувватда иш бошлашнинг дастлабки даврида бир ойда камида 4,5 миллиард сўм, кейинчалик эса 40 миллиард сўмгача даромад келтириши кутилмоқда. Объект худудини ободонлаштириш ва қўламазорлаштириш мақсадида 7 минг туп манзарали дарaxт экиш мўлжалланган бўлиб, айни пайтгача



Музаффар Абдуллоев оғлини сурат.

3 минг тупдан ортиги ўтказилган ва пляж худуди бўйлаб табиий чим ётқизилган.

Шу билан бирга, ушбу сайёҳлик объекти пляж, бассейни, қуёш нурида тобланиш, аквапарк, кичик “Диснейленд”, 50 ўринга мўлжалланган меҳмонхона, дам

олиш суналари, кема шаклидаги ресторан, ёзи терраса, СПА салон, табиат кўйидаги ўйингоҳ, тиббиёт бурчаги, соғломлаштириш маскани, спорт ўйингоҳи, олд спорт майдони, автотурароҳ ва махсус сув транспортлари каби

Диққат, танлов!



Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси, “Ўзбекино” миллий агентлиги, Ўзбекистон Бадий академияси, “Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган “Энг улуг, энг азиз” аънаввий кўрик-танловини эълон қилади.

Танловга “Сен — қудрат манбаи, саодат маскани, жонажон Ўзбекистоним!” деган бош гоаяни ўзида мужассам этган ва 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодий ривожлантириш йили” давлат дастури доирасида мамлакатимизни ҳар томонлама обод қилиш, унинг иқтисодий қудратини кучайтириш борасида амалга оширилётган ислохотларни, Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятидаги нуфузи ва обрўси ошиб бораётгани, пандемия шароитида ҳам давлат ва жамият ҳаётидаги ўзгаришлар илҳом қилган ҳаётнинг ҳаёт мисоллар ва илмий асосланган таҳлиллар асосида ҳолис ва ҳаққоний ёритувчи ижодий асарлар қабул қилинади.

“Энг улуг, энг азиз” аънаввий кўрик-танлови кўриқчилик бўйича ўтказилади:

- ёзувчи ва шоирларнинг бадий асарлари;
  - босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари;
  - оммавий ахборот воситаси сифатида рўйхатга олинган веб-сайтлардаги интернет-журналистика материаллари;
  - телевидение ва радио ижодкорларнинг материаллари;
  - тасвирий санъат, фото асарлари ва дизайн ишлари;
  - кино санъати асарлари.
- Шунингдек, танлов доирасида Мустақиллик декларацияси қабул қилинганнинг ўттиз йиллиги муносабати билан босма ОАВ, веб-сайт, телеканал ва радиоканаллар ижодкорлари учун ҳар бир йўналиш бўйича биттадан “Энг яхши журналистик материал учун” рағбатлантирувчи номинация жорий этилмоқда.

Кўрик-танловга 2019 йилнинг 15 августидан 2020 йилнинг 15 августгача бўлган даврда расман чоп этилган адабий-бадий асарлар, газета-журналлар ва интернет нашрларида эълон қилинган мақолалар, радио ва телеканалларда эфирга узатилган материаллар, намоиш этилган тасвирий санъат ва кино санъати асарлари жорий йилнинг 10 сентябрга қадар қабул қилинади.

Кўрик-танлов ғолиблиги 2020 йил сентябрь ойида тақдирландилар ва ўларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади. Коронавирус пандемияси сабабли карантин қоидаларидан келиб чиқиб, танловга юбориладиган ижодий ишлар онлайн шаклда қабул қилинади.

Иштирокчилар (муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот; паспорт нусхаси; манзил ва боғланш телефонларини илова қилган ҳолда) ўз ижодий

ишларини “Энг улуг, энг азиз” кўрик-танловига ҳамда “Энг яхши журналистик материал учун” номинациясига деб (номинатция йўналишини) кўрсатган ҳолда қуйидаги шаклда форматларда tanlov2020@aimc.uz электрон почтасига ёки @tanlov2020 телеграм манзилга юборишлари лозим.

- ёзувчи ва шоирларнинг бадий асарлари, босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари pdf форматда;
- оммавий ахборот воситаси сифатида рўйхатга олинган веб-сайтлардаги интернет-журналистика материаллари ҳавола (сылка) кўрсатилган ҳолда;
- тасвирий санъат, фото асарлари ва дизайн ишлари JPG форматда;
- кино санъати асарлари AVI форматда google disk, yandex disk ёки бошқа виртуал ресурсларга юкланиб, ҳавола юборилади (мазкур ҳавола 30 кун давомида ишлаб туриши зарур);
- телевидение ва радио ижодкорларнинг материаллари mp3 ҳамда AVI форматда google disk, yandex disk ёки бошқа виртуал ресурсларга юкланиб, ҳавола юборилади (мазкур ҳавола 30 кун давомида ишлаб туриши зарур).

Эслатма: ёзувчи ва шоирларнинг бадий асарлари битта китобдан, кино санъати асарлари битта тўлиқ метражли киноасардан, босма ва электрон оммавий ахборот воситалари ходимларининг материаллари, тасвирий санъат, фото асарлари ва дизайн ишлари учтадан кам бўлмаслиги лозим.

Қўшимча маълумот олиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг 71 244-32-33 телефон рақамига мурожаат қилиш мумкин.

Онлайн конференция

## Миллатлараро тотувлик — бағрикенглигимиз нишониси

Муножат МўМИНОВА,  
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Республика Маънавият ҳамда маърифат маркази ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитаси, Маданият вазирлиги ҳамкорлигида Оролбўйи худудда яшовчи миллат ва элатларнинг маънавий-маърифий алоқаларини ривожлантириш масалаларига бағишланган онлайн конференция ўтказилди.

“Маънавият инсоннинг ўлғайиши ва қудрати манбаидир” мавзусидаги мазкур конференция ўтган йили қорақалпоқ ва ўзбек халқи маънавий-маданий меросининг ўзига хос хусусиятлари, муштарак жиҳатларини ёритиш каби қатор мақсадларда ўтказилган “Маънавият фестивали”нинг узвий давомидир.

Видеомулakatда Оролбўйи худудда яшовчи миллатлар ва элатларнинг маънавий-маърифий алоқалари, айни



муносабатларнинг истиқболи ҳамда худудий маънавият ва маърифат кенгашиларнинг фаолияти чуқур таҳлил этилиб, ижобий тажрибалар тарғиб қилинди.

Фестиваль доирасида мамлакатимизда яшовчи турли миллат ва элат вакилларининг ўзига хос миллий аънавлари, урф-одатлари ва расм-рўсувларини асраб-авайлаш ва ривожлантиришга кўмаклашишга қаратилган кўргазмалар ҳам ташкил этилди. Миллий маданий марказлар қошидаги концерт ва фольклор жамоаларининг гала концерти, Қорақалпоқ давлат университетидеги ташкил этилган “Ҳаракатлар стратегиясининг миллатлараро ва конфессиялараро тинчлик ҳамда тотувликни мустаҳкамлашдаги ўрни ва аҳамияти” мавзусидаги давра суҳбати тадбирнинг кўтаринчилигини таъминлади.

— Бугунги конференция Ўзбекистонда яшовчи турли халқлар, қолаверса, Оролбўйи аҳолисини бир мақсад йўлида бириктириш, уларни маънавий ривожлантиришга муҳим ўрин тутди, — дейди Республика Маънавият ва маърифат маркази Қорақалпоғистон бўлими раҳбари Қувончбой Юсупов. — Энг аҳамиятлиси, мана шундай маънавий-маърифий тадбирлар шу заминда яшавётганимиздан бахтиёрлик ҳиссини янада оширади.

Дарҳақиқат, бундай тадбирлар Қорақалпоғистонда фаолият юритаётган қозоқ, туркман, рус, корейс, украин миллий маданий марказлари билан ҳамкорликда ўтказиб келинаётган “Ўзбекистон — умумий уйимиз” шiori остидаги маданий ва дўстлик фестивали савиясининг янада юксалишига хизмат қилади.

турли қўшимча йўналишларни ҳам ўз ичига олади. Бу масканга таширф буюрувчилар учун очиқ осмон остида бир-бирдан қизиқарли концерт ва шоу дастурлари ҳам намоиш этилади.

Буларнинг барчаси Ўзбекистонда туризм турларини янада ривожлантириш, маҳаллий ва хорижий сайёҳлар оқимини ошириш баробарида маҳаллий аҳолини қўшимча иш ўринлари билан банд қилиш ҳамда шу орқали турмуш фаровонлигини таъминлаш имконини беради.

Бухоро вилоятида туризмни янада ривожлантириш соҳасида амалга оширилатган ишлар натижасини хорижий инвесторлар билан ҳамкорликда ташкил этилган қўллаб-қувватлаш мисолида кўриш мумкин.

— Вилоятимизнинг бой сайёҳлик салоҳияти ҳамда тадбиркорларга яратилган кенг имкониятлар муваффақиятлар калитидир, десам хато бўлмайди. Машҳур “Sahid Group Hotel” халқаро компанияси билан ўзаро ҳамкорлигимиз самараси бўлган янги меҳмонхонанинг ишга туширилиши 125 нафар ёшнинг бандлигини таъминлади, — дейди тадбиркор Насриддин Рашидов.

Янги меҳмонхонада жами 149 та хона бўлиб, 310 ўринга мўлжалланган, президент люкс, премиум, экомом ва стандарт хоналари ўз ичига олган.

Ушбу мажмуа таркибиде 6 та ресторан, йирик маросимлар учун мўлжалланган зал, 1 та конференция зали ва 3 та учрашув хонаси, миллий либослар кўргазмаси зали, тунги клуб, кафе, киши боғ, оқиб ва ёпиқ ҳовулар, болалар учун алоҳида ҳовуз ва ўйингоҳ, фитнес клуб, йога ва СПА салонлар, сауна, бильярд зали, эркаклар ва аёллар гузаллик салонлари ҳамда соғалар дўконлари каби қатор қўшимча хизматлар бар.

Ёднома

ШУКУР АКАНИНГ БОҒЛАРИ

Табиатимиз шунақа: рўпарангда, ён-верингда ёки қўшни бўлиб ҳаёт кечираётган кадрдон инсоннинг қўққисдан лоп этиб чин дунёга рихлат қилса ва орадан кун, ой, йиллар ўтаверса, азизлиги яққолроқ билина бораркан. Айниқса, у маънавий устозинг бўлса...



Собир УМАРОВ, ёзувчи

Ўзбекна эканини таъкидлаб қўйди. Биз махлиб бўлаётган модерн ёки ваҳима адабиёт Шукур ака учун "чепуха" эди, парво ҳам қилмасди.

Бу — Шукур аканинг ёзувчи сифатидаги принциплари.

Мероси эса биз ҳали кўп ўрганишга арзидиган муносиб адабий бойликдир. Шукур Холмирзаев ҳикоя қилиш усулида "инкилобий" йўлдан бормади, айна замонада ўзигача бўлган устозларнинг анъанавий қилишига ҳам тушмади. "Қотириб қўйиш", "михлаб қўйиш", "михлаб ташлаш" тамойили ҳам адиб ижодига унча мос эмас.

Шукур аканинг ҳикояларини ўқиб бошлаган кезларимдаёқ бир жиҳатни — профессионализмни ҳис қилганман. Бу жиҳатни балки моҳир назариячи бир неча жумла воситасида асослаб тушунтириб қўя қолар, каминга бундай қобилиятга эга эмаслиги боис, бошқа нарсаларни кўз олдинга келтиришга ураманам.

Ш.Холмирзаев, масалан, "Ўзбек бобо", "Бодом қишда гуллади", "Ун саккизга кирмаган ким бор", "Банди бургут", "Қадимда бўлган экан" асарларида, гарчи ўқиш жараёнида адибнинг айтар мудири бизга аёнлашиб бораётган бўлса-да, деталларга, ҳолатларга, гап-сўз табиийлигига, қахрамон ясама эмас, жудаям жонли чиқишига тамом берилмади, бунинг замирида тагиндаги стул ёки кўрпача ҳам сўянганга ботиб, жисмоний оғриқлар ҳам берувчи узоқ ўйлов, кашф, илҳомий, уни бошқариб турган узоқ ва заҳматли ақлий меҳнат ётганлигини ёр қажрибам туфайли ҳис этанам. Хаёл, хотира, сўз, ибора, мақоллар, кенг тафаккур, кичкина, кўримсиз детални ҳам жонлантдириб юборувчи ўзигагина хос адабий "приём", манёвр, истехзо — булар барини юзага олиб чиқадиغان устозлардик. Ҳали бу ёкда ёзувчи илгари сураётган гоа, маънавий принциплар бор. Мана шу чўнг "лашкар"ни майдонга ёйиб юбориб, сўнг уни тўрига илтириб йиғштириб, "ов махсулоти"ни сиз томоҳабинга, мана, деб чиройли кўрсата олиш ва ундан кейин юрагинида узоқ кўз кезиб юрадиган таъсир туйғусини — ҳамма-ҳаммасини умумлаштириб, мен профессионаллик демоқчи бўламан.

Бир гап, Шукур аканинг олтинчи ёшлик юбилейи эди чоги, Абдулла ака Орипов мени чақирди:

— Шу, Шукур ака билан ош-ҳақиқасан, биламан, айт-чи, унинг ўзига хослиги нимада узи? — деб сўради.

— Профессионаллик, — дедим дангал. Шу сўзнинг ортдан лича изохлаган бўлдим. Шукур акадан бошқа бу хусусиятга эга ёзувчини билмайман, дедим ҳам.

Кейин эшитсам, Абдулла ака ўша ўтган тадбирда ёзувчини уюлма раҳбар, ўзининг яқин кадрдон сифатида табрик-лаб, мен айтган фазилатни алоҳида таъкидлабди. Абдулла аканинг ўзи ҳам буни биларди, албатта. У кишининг ҳам худди Шукур ака каби мени яқин олгандан беҳад севинганман ўшанда...

Аслида-ку, профессионаллик Ш.Холмирзаевнинг ёзувчи аталмиш улкан салоҳиятини кўтариб ё тушириб қўймади. "Энақизим Сайёра!" деб бошланувчи хат-мақоласида ўзига муносиб баҳони ўзи бериб қўйибди. Дарҳақиқат, жаҳон адабиётининг биз "дахо" деб танийдиган мумтоз ёзувчиларининг ҳеч биридан кам эмаслигини, ўз ижод махсули, хусусан, ҳикояларини эмас, бадий сифатини чамалаб шундай жасоратли, иқрошли тўхтамга келган.

Биз ва адабиётчилар бўлсак, энди энди илтимосини қашлаб, "ҳа, дароқе, шундай", деялмиз. Гумроҳлигимиздан, рўпарамиздаги даҳо ёзувчининг қадри-ни билмаганимиздан бугун оғзина уялиб қўйилмиз.

Қиш ҳақида мақола ёзиш лозим бўлса, дабудурустан каловлаиб қолсан. Бошқани билмадим-у, менда шундай. Илгари бир сафар Шукур ака ҳақида хотира ёзиш илтимосини кўрилганида, ўйлаб қолганман. Тўғриси, нимани ёзаман, деб чўчиганман, ака тўғрисида замондошлари хотиралари китоб бўлиб чиққанга эса тонг қолганман: асарлари билан унча яқин танишмай, ўзи билан кўп мулоқот қилмай ҳам кўп тафсилотларни шишириб баён қилса бўларкан-ку, шу гапларни мен билмасдимми?

Ўйласам, Шукур акани эслагулик,

арзигулик хотирларим етарли экан. Ўтириб, ҳафсала қилиш керак экан, холос.

Шукур ака Ўзбекистон халқ ёзувчиси унвони учун уюшмадан оз миқдорда нафақа оларди. "Ешлик" журнали уюшма биносиди. Уюшма кассирга кириб, ўша пулини олса, албатта, бизнинг эшигимизни қоқарди, сахийлиги тутиб бизни меҳмон қилгани келарди. Аксариат пайтларда қуруқ қўл билан қайтса ҳам заррача ўкинганини кўрган эмасман. "Пхх" этиб ўзининг устидан қулгандек, бўлган гапни айтиб, сарсон бўлганини билдирарди.

Ака пулга зорикканда ҳам ўша башанг, худди йигирма ёшли аскардек қадди тик, шяпа жойида, тасфисига гард юкмаган бўларди. Маломатланганидан, бу ердан Дўрмонга такси борадими, борса, неча сўмга бориши мумкинлигини сўраётганидан билардимки, адибнинг қўли юпқа. Шодикул Ҳамро билан келишиб, вазиятга чора излардик. Табиийки, кўпинча ўзимиз ҳам Шукур акадан нари-бери ахволда бўлар, аммо астойдил кирилганда, уюшма ташқарисиди ошхонанинг сўрисига чиқиб, аканинг дилтортар суҳбатини олишга, бир пилла чай устида отамлашшига ҳам имкон топилиб қоларди, шом тушганда акани Дўрмонга кузатаётганимизда ўта хижолатпазлик билан бу яхшиликни келгуси сафар, албатта, қайтармаклигини тақдорларди. У кишининг хижолат бўлганини кўриб, биз баттар хижолат тортардик. Чунки Шукур ака чин маънода ўз оғамиз бўлиб қолган эди.

Ҳаммани ҳам ити суйвермас эди.

Ўзининг адабиётга, ҳаётга қарашларини дуч келган одамга айтавермас эди. Биз ҳам бу асарни ўқиб беринг, фалонга сўз ёзиб беринг, деб тиқилнч қилмас эдик. Балки шунинг учун суҳбатимиз сунъийликдан холи, яъним ўтириб олиб бир-биримизни алқашдан иборат бўлмасди. Бировга ихлос қилса, табиий суар эдики, бундай инсонларнинг саноғи унча кўп эмас, аксарини эсселарида меҳр билан ифода этган. Суҳбат давомида қулфи дили очилса, ана, бор-э, деб ижодий режаси, ёзилаётган асарининг воқеаларини ҳам тўлиқ ҳикоя қила бошлар, туғун, кулминация, ечим, хулосаларига...



— Шу, Шукур ака билан ош-ҳақиқасан, биламан, айт-чи, унинг ўзига хослиги нимада узи? — деб сўради.

— Профессионаллик, — дедим дангал. Шу сўзнинг ортдан лича изохлаган бўлдим. Шукур акадан бошқа бу хусусиятга эга ёзувчини билмайман, дедим ҳам.

Кейин эшитсам, Абдулла ака ўша ўтган тадбирда ёзувчини уюлма раҳбар, ўзининг яқин кадрдон сифатида табрик-лаб, мен айтган фазилатни алоҳида таъкидлабди. Абдулла аканинг ўзи ҳам буни биларди, албатта. У кишининг ҳам худди Шукур ака каби мени яқин олгандан беҳад севинганман ўшанда...



қулнар бизниқанда яшаган, кечкурун Шукур аканиқига чиқиб кетиб, ярим тунда қайтарди. Бир куни қарасам, Шавкат ака менга ғаройиб навларим гапириб бераёттибди. Босмачилар ҳаётдан сценарий ёзмокчи эмиш.

— Зўр-ку, — дедим хайратланиб.

"Шукур аканинг таъсирга тушибди-да". Сўнг шубҳаланиб сўрадим: — Шукур ака айтиб бермадимки мабодо?

— Йўқ, — деди кўзларини пирпиратиб. — Ўзимиздаям босмачилар бўлган-ку.

Физик одамнинг ёзувчига айланиб қолишига ажабланиб юрдим.

Иттифоқ кўнларинг бирида, Шавкат ака кетгач, сюжетни қиска қилиб ўзига сўзладим.

— Во, уқкагар, — деб пихиллаб қулди ака. — Мен айтиб эдим. Сценарий ёзарканми?

Сўнг ёнига қараб наъша қилиб қулди-да:

— Ялчимаиди, — деди. — Тамом ёзолмайди, хм, ёзолмайди. Тўғри, адабиётни севади, кўп ўқибди, аммо физик-ку кадрдонингиз.

— Тўғри, — деб тасдиқладим мен. Дарҳақиқат, шовша-шошар одам бу ишни эплаётмайди. Шукур ака шунинг учун хотиржам эди.

Шукур акани меҳмон қилувчилар кўп тушларди. Бироқ ака бир бурда нону икки тилшам гўштан нарига ўтган эмас. Қайси-дир йили экан, эрталаб ишга кетгунимча машинада Дўрмон боғига ташлаб ўтишимни сўради. Борсак, ака ён-верини қараб, симтўр девор эшиккасининг калитини сира тополмайди-да. Охир иккови-миз ҳам девор ошиб тушдик. Тиниқ сув оқадиган ариқ устига кичик тапчан қўйилган. Дастурхонда нон, помидор, пилёз қолдиқлари. Қозон... ариқда турибди. Ноннинг қотиб кетганига қараганда "мехмонлар" бугунги эмас, камда икки кун олдин дастурхонни "саранжом" қилган.

— Қани, қозоннинг қолқоғини кўтари-ринг-чи, иним.

Тушиб қозон қолқоғини очсам, майда гўшт бўлақлари, икки тақсимча келадиган картошкалар.

— Бўлди, имзосидан маълум. Сурхоннинг дарवेशлари бўлиши керак, — деди ака. Сўнг улар қилмиги ҳақида чукчур ҳаёлга берилди. Мен ёнимдан йўлда қозоқ савдогардан олган "Астра" сигарети

қулларини чиқариб қўйдим-да, уэр сўрадим.

Менга ташаккур билдиргач:

— Икки кунлик оғқат кам тайёр, оғангиз ўтириб олиб ишлайди энди, — деди. Шукур аканинг боғини кўрганмизми? Билмадим, балки ҳозир ҳам яшнаб турган чикар. У ерда турфа гуллар барқ уриб ўсиб, гуллаб ётади. Меваларнинг ҳам ғаройиб навлари бор. Адиб ўз қўли билан парвариллашган. Навлар, уларнинг етилиш жараёни, мевалари, таъми, шакл-шамойили ҳақида мароқланиб гапиради.

Шукур ака уста боғбон эди. Боғи ўзига хос эди. Катта бўлмаса ҳам ҳавас қиларлик чорбоғ.

Аммо ака адабиётда катта боғ яратди. Одам боласи, адабиёт мухлиси уни бир-икки кунда кезиб чиқолмайди. Бу боғ тароват ва таъминини кейинги асрда ҳам қўрсата оладиган, сайрибоғ қилганларни хайратлантира оладиган гўзал гўлзор, мевазордир.


Бу боққа ҳавас қилсанг, суқлансанг арзийди.

Эски "Жигули"мга ўтириб хаёл сўриб кетдим: ёпиқ девор, кичкина қулба, шинам ҳовлича, гуллар, мевалар ўсиб,



пишиб ётибди, тип-тиник сув оқиб ётган ариқ, хўп, икки кунлик егулик, чой. Мен эсам, шу бугун нима ейишим ҳақида ўйлаётган, кечкурун оч қолишимнинг кайғусини қиламан. Акам эса шаҳарда димиқиб, озоликка чиққан жайрондай хурсанд. Биламан, ижодий режалари кўп. Ҳозирнинг ўзида боғги кичик машинкасини чиқиллата бошлайди. Ёзади, ўйлайди, тузатади, кеч бўлади, яна ёзади, ўйлайди, тузатади — ижод қиладди. Бирор жойда ёзганини чиқаришга иштиёқ

билдирмайди. Қизиқ, Адабиёт шундай яратиларкан-да, йўқ, бизнинг қўлимиздан келмайди — турмуш ташвишлари, иш. Рўзгорга тушовланиб қолганмиз...



Шукур ака соғлиғидан нолимас эди. Назаримда, ўтириб ишласа, Базъақдан ҳам бардошли эди. Доим режа ва илҳом билан юрарди. Сўнги пайтлардагина бир нарсадан нолиди:

— Ёзадиганим аниқ, иштиёқ, илҳом ҳам бор, бироқ куч йўқ. Собирвой, куч йўқ.

Энди-энди шуларни эсласам, ака уез-зукун ва тунлари ёмай-ичмай, ижод деб соғлиқни ҳам бой берган экан-да... Ахир, Одил ака, Айтилметов, Маркес... саксон ёшида ҳам ёзишдан тўхтамадилар-ку.

Ошқозони ҳаста эканини ҳам аслида дунёдан ўтгач, китобидан, қизи Сайёра Холмирзаевага битган мактубидан билдим. Ҳайқирмай, муҳтожлигини, билдирмай яшаш, ҳеч миннатсиз ватан адабиёти раваннага дадил ҳисса қўшиб кетиш, кетавериш мумкин экан-да.

Тавба, тавбалар дейсан. Шу Шукур акам... нақадар улғур экан!..

Ш.Холмирзаевдан катта ижодий мерос қолди. Шуниси одамга таскин беради. Ҳикояларида дарж этилган, муҳрланиб қолган маҳорат изларини тўхтовсиз таърифлайвериш мумкин. Яқингинада ўқиганим "Чўлоқ турна"ни ёзмакчи учун илгор зоология билимдон бўлишинг ўзи кифоя қилмайди. Сетон-Томпсоннинг "Кўнгр тулки Домино", "Еввой йўрға" қиссаларини бошқача шавқ билан ўқиган эдим. Худди одам ҳаётида мукамал тасвирлардан хайратланганман. Шу ихчам ҳикояда ҳам адиб қуллар, жумладан, турналар тақдирининг ғаройиб билимдон эканини кўрсата олган. Турналар нима учун "гилан" ва қайси пайтда "арғамчи" бўлиб уничи сабаби ҳақида ёки улар айнан буталар орасига эмас, ердаги ўйиққа туҳум қўйиши, ёнига атайлаб бир уюм от тезакларини тўпалаб қўйиши сабабларини ўқиб, бу назикмиқоз қулларнинг савқи табии "ақлига" таънис берасиз. Турналар бола парвариллашганда "ота-она" бара-вар ҳисса қўшишини Шукур ака қаердан ўрганди экан, ахир Бойсўнда турна яшамайди-ку.

Камнада бир талай саволлар туғилган бўлса-да, "От йили" қиссасида адиб от ва обрўталаб одам омиқталигини аjoyиб ифода этиб берган.

Умуман, Шукур ака ёзмакчи бўлган объектни доим ойнадай тасаввур қилган, билган, қайси жойини бруттириш, қайси-дир қисмида умумий таъриф билан чекланишни обдан ҳисобга олган. Қайси асарини олганм, барчасида ҳам охир-оқибат бир учидан тарбияга тааллуқли жиҳат ўрмалаб чиқиб келади.

Атайлаб мисолларга кўп тўхталмадим. Адабиётшуносларнинг иши деб ўйладим. Кўп йиллар "Ешлик" журналида фаолият юртимди. Табиийки, ёш ёзувчилар билан кўп тўнлаш келдим. Аксарият бошловчилар бадий маҳорат масаласида бошлари қотади. Рус тилидаги китобга тушунайди, ўзбек тилида эса шов-шув бўлганларни ўқийди. Йўқ, ука, сен дўпplingни ерга қўйиб, Шукур Холмирзаев ҳикояларини ўқи, кам бўлмайсан, дейман. Бу маслаҳат баъзиларга асқатганини ҳам сезаман...

Шукур ака, ўзи гурурланиб таъкидлагандек, бирор даҳодан кам жойи йўқ адиб. Биргина истак шуки, асарларининг кичик эмас, катта адабларда чор этиш лозим. Адиб ҳаётлиги чоғида йигирма йиллаб настриётлар эшигини қоқмагани ўзининг айби эмас, албатта. Биз энди ўқувчилар учун шунинг ҳиссасини чиқарсак кифоя. Қолганини китобхон ҳал қилсин.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН МАУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Салим Дониёров "Янги Ўзбекистон" газетаси учун маъсул: бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари Бахтиёр Абдусатторов

Тахририятга келган қўлёнамлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг отказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида сақланади. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли коп этилишига "KOLORPAK" МЧЖ маъсул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма — 2083. 42596 нусхадда босилди. Ҳажми — 3 табоқ, Оқсёт усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоиси келишилган нархда.

Навбатчи муҳаррир: Хайридинмурод Абулфайзов Мусахҳиж: Мафтуна Мингбоева Дизайнер: Хуршид Абдуллаев Манзиллими: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй ЎзА якуни — 20:45 Топширилди — 22:15